ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА 14 ИЮЛЬ КУНИ ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ, УЛАРНИ ДАРОМАД МАНБАИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ.

HUQUQ

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq.uz 2020-Y. 16-IYUL, №28 (1225)

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари Светлана Артикова томонидан 2020 йилнинг 7-9 июль кунлари Андижон вилоятида ўтказилган сайёр қабулда келиб тушган мурожаатларнинг дастлабки таҳлили ўтказилди.



Аниқланишича, қабул жараёнида иш билан таъминлаш масаласида 9 та, уй-жой, моддий ёрдам ва бошқа ижтимоий ҳимоя масаласида 22 та, таълим ва соғлиқни сақлаш масаласида 27 та, тадбиркорлик ва кредит ажратиш масаласида 7 та, қурилиш ва коммунал соҳа бўйича 1 та, тергов ва суриштирув масаласида 26 та, суд қароридан норозилик хусусида 17 та, суд қарорлари ижроси масаласида 13 та, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш юзасидан 11 та, маҳаллий ҳокимият ва ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳаракатларидан норозилик хусусида 12 та, жами 145 та мурожаат қабул қилинган.



Мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини тиклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сайёр қабулда тушган 20 та мурожаатга ҳуқуқий тушунтириш берилиб, 41 та мурожаат жойида ижобий ҳал қилинди, 15 та мурожаат Бош прокуратурага юборилиб, қолган 69 таси Андижон вилояти прокуратураси органлари томонидан кўриб чиқилмоқда.

* * *

Шунингдек, 14 июль куни Бош прокурор ўринбосари Севетлана Артикова Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти билан биргаликда ўтказилган "Пандемия ва инсон ҳуқуқлари: Ўзбекистон тажрибаси" мавзусидаги видеоконференцияда ҳам иштирок этди.

Тадбирда коронавирус пандемияси шароитида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича тажриба алмашиш ва ушбу соҳада ишларни такомиллаштириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Бош прокурор ўринбосари мамлакатимизда карантин жорий этилган ҳудудларда қонунийликни таъминлаш ва карантинга жойлаштирилган шахсларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш масаласида ахборот берди.

Қайд этиш жоизки, бу турдаги видеоконференциялар ўтказилиши Ўзбекистон томонидан пандемия шароитида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни халқаро ҳамжамиятга объектив тарзда етказишга хизмат қилади.

BOSH PROKURATURADA

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНСА, КАМБАҒАЛЛИК ҚИСҚАРАДИ

Дунёдаги вазиятга мос равишда сўнгги кунларда юртимизда ҳам коронавирус пандемияси билан боғлиқ аҳвол мураккаблашмоқда. Айниқса, карантин чораларининг муддати узайиб бораётгани аҳоли, жумладан, эҳтиёжманд оилаларни қийин аҳволга солиб қўйиши эҳтимолдан холи эмас.

Шу боис бугунги кунда бундай оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг вакилларини ишга жойлаштириш, шу йўл билан уларда тирикчилик манбаи ҳосил бўлишига имконият яратиб беришни жадаллаштириш масаласи долзарблигича қолмоқда.

Бу борада прокурорлар сектори масъулларига нисбатан талаб икки ҳисса кучайтирилиши алоҳида аҳамият касб этади.

2020 йилнинг 9 июль куни Бош прокуратурада ҳудудий прокуратура органлари раҳбарлари иштирокида ўтказилган селектор йиғилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 8 июль куни ўтказилган йиғилишда белгиланган вазифаларнинг ижросини ҳамда эҳтиёжманд оилалар аъзоларининг бандлигини таъминлашга бағишланди.

Таъкидланишича, кўп бора танқид қилинганига қарамасдан эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида секторлар фаолиятида айрим жиддий камчиликлар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, айрим секторларда эҳтиёжманд оилалар аъзоларини барқарор ва истиқболли иш ўринларига жойлаштиришга етарли эътибор берилмаётгани кескин танқид қилинди.

Шунингдек, айрим ҳудудларда иқтисодий комплекс йўналишидаги, яъни оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик ва жамоат ишларига ҳамда инвестиция, агросаноат, қурилиш лойиҳалари асосида иш ўринларига эҳтиёжманд оилалар аъзоларини жалб этиш, бўш турган давлат объектларидан фойдаланиш бўйича ишлар суст йўлга қўйилганига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Аҳолини ҳунармандликка жалб этиш борасида Сурхондарё ҳамда Тақрорий экин экиш учун ер ажратиш борасида Андижон вилоятининг ижобий тажрибалари алоҳида эътироф этилди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда барча прокурорлардан секторлар ҳудудида эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш ва бу борада аҳоли тўлиқ тасаввурга эга бўлиши учун тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, секторлар штабларида ахборот марказлари ташкил этган ҳолда маълумот киритиш жараёнини қатъий назоратга олиш талаб этилди.

Шу билан бирга, секторларда ишсизларни касбга ўргатиш, ёшларни устоз-шогирд тамойили асосида устозларга бириктириш масаласига жиддий эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланиб, бу борада ҳар бир масъул ходимнинг шахсий жавобгарлиги масаласи белгиланди.

Йиғилишда секторлар раҳбарлари олдига эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш борасида йўл қўйилаётган хатоларни тез бартараф этишга қаратилган аниқ вазифалар қўйилди.

Шунингдек, секторлар раҳбарлари ҳудудларда карантин қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминлашга, аҳоли орасида инфекция кенг тарқалишига йўл қўймасликка ҳам масъул эканлиги алоҳида қайд этилди.

Бош прокуратуранинг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими

2020 йил 15 июль соат 17:30 ҳолатига | Касалланганлар 14466 нафар | Соғайганлар 8343 нафар | Вафот этганлар 69 нафар



МАРДЛАР ОНТИ

2020 йил 12 июль куни Чирчиқ дала ўқув майдонида Чирчиқ гарнизонида жойлашган барча ҳарбий қисм ва муассасаларга муддатли ҳарбий хизматга жалб қилинган ҳарбийларнинг ватанга қасамёд қилиш маросими ўтказилди.

Бу йилги чақирув бўйича муддатли ҳарбий хизматчиларнинг ватанга қасамёд қилиш маросими ўзгача тарзда, яъни Мудофаа вазирлигига қарашли барча ҳарбий округларда карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда уларнинг ота-оналари иштирокисиз ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, ватанга қасамёд – эр йигитнинг ҳаётида бир бор кечадиган бетакрор ва унутилмас воқеадир. Юрт ўғлонлари қасамёд қилиб, юртнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи бўлган кўкси қалқон ҳимоячилари сафидан жой олишади.

Тантанали маросимда ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташга шайланган ҳарбийларга Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг табриги ўқиб эшиттирилди.

Тантанали маросимда сўзга чиққанлар ватан ҳимоячиларига улкан муваффақият ва зафарлар тилашди.

Тадбир якунида Чирчиқ гарнизони ҳарбий оркестри ва маданият маркази вакилларининг куй-қўшиқлари барчага кўтаринки кайфият улашди.

Иброҳим ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Чирчиқ ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси

МОДДИЙ ЗАРАР УНДИРИЛДИ

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани маъмурий судининг 2019 йил 2 июндаги М.Мирзаевдан И.Абдулҳаевга 94 млн. 184 минг 840 сўм моддий зарарни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати МИБ Юнусобод тумани бўлимига келиб тушган эди.

Ижро ҳаракатлари давомида қарздорга тегишли автомашина борлиги аниқланиб, унга банд солинди ва қидирувга берилди. Бундан ташқари, мажбурий ижро ҳаракатлари давомида қарздорнинг ижро ҳужжатида кўрсатилган манзилидаги мулкий ҳолати ўрганилди. Шунингдек, қарздор билан олиб борилган ҳуқуқий тушунтиришлар натижасида 2020 йил 29 июнда моддий зарар И.Абдулҳаевга нақд пул кўринишида тўлиқ ундириб берилди.

Игорь ЛИ,
МИБ Юнусобод тумани бўлими бошлиғи

КАРАНТИНДА ТАҚИҚЛАНАДИ...

Эпидемиологик вазият ёмонлашгани инобатга олиниб, 10 июлдан бошлаб юртимизда коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олиш борасидаги чора-тадбирлар янада кучайтирилди. Республика махсус комиссияси қарори билан 2020 йил 10 июлдан 1 августга қадар қуйидагиларни назарда тутувчи карантин чекловлари жорий этилди.

Шахсий автотранспортларда махсус рухсатнома(стикер)сиз фақат кунининг маълум вақтида – соат 7:00 дан 10:00 гача, 17:00 дан 20:00 гача ҳаракатланиш мумкин. Шунда ҳам машинада шунчаки юриш мумкин эмас. Иш жойига бориб-келиш, озиқ-овқат ва дори-дармон учун рухсат этилган.

Яна 2020 йил 1 августга қадар республика миқёсида қўшимча равишда қуйидаги карантин чекловлари ҳам киритилди. Хусусан, сартарошхона ва гўзаллик салонлари фаолияти, маҳаллий (ички) авиақатновлар ва темирйўл қатнови тўхтатилди. 65 ёшдан ошган шахсларга «ўзини ўзи яккалаш» ҳаёт тарзига қатъий риоя этиш ҳамда сабабсиз уйдан чиқмаслик тавсия этилди.

Шунингдек, 2020 йил 18-19 июль ҳамда 25-26 июль (шанба ва якшанба) кунлари бутун сутка давомида республика миқёсида ҳаракатланиш, автотранспортларнинг, шу жумладан, йўналишсиз таксиларнинг ҳаракати тўлиқ тўхтатилади.

Шу кунлардан ташқари саналарда такси хизматлари фаолиятига рухсат берилган. Аммо улар бир қатор муҳим талабларга риоя қилишлари шарт.

Йўловчи ташиш учун автотранспорт салонида ҳайдовчи ўриндиғи йўловчилар ўриндиғидан шаффоф пластик ёки махсус плёнка билан тўсилган бўлиши, ҳайдовчи ва йўловчи тиббий ниқобда бўлиши лозим.



Шу билан бирга, йўловчилар автотранспортнинг орқа ўриндиғига миндирилиши ҳамда автотранспорт фақат ўз (давлат рўйхатидан ўтказилган) ҳудудида ҳаракатланиши шарт.

Мазкур чекловлар махсус рухсатномалар асосида ҳаракатланадиган автотранспортларга ҳамда Республика махсус комиссиясининг 8 июлдаги қарори билан тасдиқланган Автотранспортлар ҳаракатланишига махсус рухсатнома талаб этилмайдиган ҳолатларга нисбатан татбиқ этилмайди. Яна шуни қайд этиш жоизки, ҳукумат томонидан янги стикерлар берилмаслиги боис илгари берилган махсус рухсатномалар амал қилишда давом этади.

Бундан ташқари, скутер ва велосипеддан фойдаланиш мумкин. Бироқ бунда ниқоб тақиш мажбурийдир.

Тақиқланган даврда ҳаракатланиш қоидаларини бузганларнинг автомобиллари жарима майдонига олиб борилади. Автомашина эгалари нафақат жаримани, балки автомобил жарима майдонида турган вақт учун ҳам ҳақ тўлашлари лозим бўлади.

Вақтинчалик чекловларда айрим истиснолар мавжуд. Мисол учун, жисмоний шахсларга шахсий автомашинасида исталган вақтда ҳаракатланишга рухсат берилган ҳолатлар ҳам бор. Ушбу тоифага шошилинч тиббий ёрдам зарурияти (ҳомиладорлик, туғиш, жароҳат, ОИВ/ОИТС, онкология, нур терапияси, гемодиализ, жарроҳлик ва ҳаёт учун хавфли бошқа ҳолатлар) киради.

Жамоат транспорти ҳаракати 10 июлдан 1 августгача тўхтатилди. Шунингдек, вилоятлар ўртасида транспорт ҳаракатланишига ҳам тақиқ жорий этилди. Фақатгина Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига ўзаро кириб чиқиш бундан мустасно.

10 июлдан бошлаб вилоят марказлари, Тошкент ва Нукус шаҳарлари атрофидаги йўл-патрул хизмати масканлари, блокпостлар ва тўсиқ постлар фаолияти ички ишлар органлари, Миллий гвардия ва Мудофаа вазирлиги кучларини ҳамда Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси вакилларини жалб қилган ҳолда кучайтирилган.

Амалда бу вилоятлараро кириш ва чиқиш тақиқланганини англатади. Аммо бу борада ҳам истиснолар бор. Масалан, белгиланган чекловлар деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жойларга етказиш ва сотиш мақсадида вилоятлараро ва шаҳарлараро қатновларни амалга оширишга татбиқ этилмайди. Бунда деҳқон ва фермер хўжаликларининг автотранспортлари бозор, ярмарка ва савдо нуқталарига киришидан олдин дезинфекция қилинади.

Амалда бу мамлакатда ўзига хос комендантлик соати давом этаётганини англатади. Соат 23:00 дан 7:00 гача кўп қаватли уйлар ҳовлиси ва кўчаларда бўлишга йўл қўйилмайди. Ушбу талабни бузганлик учун жарима солинади.

Жамоат жойлари, кўчалар, дўконлар ва дорихоналар, умуман олганда, кўчага чиққанда ниқоб тақиш шарт. Йирик супермаркетларда сизни албатта қўлқоп билан таъминлашлари, антисептик сепишлари ва ҳароратингизни текширишлари керак. Агар ҳарорат 37 даражадан юқори бўлса ичкарига киришга рухсат берилмайди. Шунингдек, жамоат жойларида учтадан ортиқ кишининг тўпланиши тақиқланган.

10 июлдан 1 августгача буюм ва қурилиш бозорлари, ноозиқ-овқат маҳсулотлари дўконлари ишламайди.

Ресторан, кафе, ошхоналар ва барча умумий овқатланиш жойлари ёпилган. Энди бундай муассасалар фақат етказиб бериш тартибида ишлайди.

Шу билан бирга, санаторий, пансионат, болалар оромгоҳи, меҳмон уйи, пляж ва бошқа дам олиш жойлари, спорт заллари, тренажёрлар, сузиш ҳавзалари фаолияти ҳам тўхтатилди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, мактабгача таълим муассасалари, ўқув курслари ва ҳар қандай тўгараклар иши тўхтатилди.

Барча оммавий ва тантанали тадбирлар, тўй ва бошқа байрамларни ўтказиш тақиқланди. Шунингдек, давлат идораларида ҳам ҳеч қандай мажлис ўтказилмайди.

Давлат идоралари ходимлари имкон қадар қисман таътилга, қисман масофадан туриб ишлашга юборилади.

Деҳқон ва озиқ-овқат бозорлари, озиқ-овқат дўконлари одатдагидек ишлашни давом эттиради. Дорихоналар ҳам ишлайди.

Шу билан бирга, объектни тўлиқ изоляция қилиш, доимий текшириш ва зарарсизлантириш, ниқоб тақиш ва оралиқ масофани ўз ичига олган бир қатор талабларга риоя қилган ҳолда саноат корхоналари ва йирик қурилишларнинг фаолиятига рухсат берилган.

Энди коронавирус юқтирган одамлар билан мулоқотда бўлганлар уй карантинига олинади. Махсус карантин худудлари фақат чет элдан келганларни қабул қилиш учун ишлайди. Бундан ташқари, ОТМ ва коллежлар ётоқхоналарида қўшимча карантин марказлари яратилади.

Агар уй карантинида бўлган кишида COVID-19га ўтказилган тахлил ижобий натижа берса ва унда инфекциянинг клиник белгилари – йўтал, иситма, ҳид билмаслик аломатлари бўлса, у касалхонага ётқизилади.

Касаллик аломатларсиз ўтаётган бўлса, уйда даволанишга ўтказилади (уйда даволашнинг имкони бўлмаса, белгиланган тартибда тиббиёт муассасасида даволанади).

Уйда даволанаётган беморлар ҳамда беморлар билан алоқада бўлиб, уйда карантинга олинган шахсларнинг доимий тиббий назоратда бўлиши белгиланган. Бунинг учун туну кун тиббий маслаҳат ҳамда ахборот беришга қаратилган Call-center фаолияти йўлга қўйилди. Бундан ташқари, беморларни назорат қилиш учун тиббий ёрдам кўрсатишга ихтисослашган мобиль гуруҳлар ҳам ташкил этилган.

Фарҳоджон НАЗАРОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

Президент Шавкат Мирзиёев Президент Эммануэл Макронни Франция миллий байрами – Бастилия ишғол этилган кун муносабати билан табриклади.

МУҲТОЖЛАР ЁЛҒИЗЛАТИБ ҚЎЙИЛМАЙДИ







Кузатувларимиздан маълумки, юртимизда аксарият оилалар кунлик эҳтиёжи учунгина пул топиб ёки хорижга бориб ишлаш орқали рўзғор тебратган. Айни чоғда шундай оилаларда ҳаёт бироз қийин кечмоқда. Машаққатлар барчамизни бирдам бўлишга ўргатаяпти.

Шуни қайд этиш ўринлики, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш ҳамда аҳолининг турмушини яхшилаш борасидаги ишларда прокуратура органларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Коронавирус пандемияси туфайли жорий этилган карантин шароитида бу ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамиятга эга.

Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи ва тиббий маданиятни тарғиб қилиш, карантин қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш устувор масала сифатида кун тартибига чиқди.

Юқорида қайд этилган фармон ижроси доирасида Поп тумани прокуратураси, ҳокимлиги, бандликка кўмаклашиш маркази ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида алоҳида чора-тадбирлар белгиланди.

Попда 2180 та (шундан 2-секторда 645 та) оиланинг 2469 нафар аъзоси камбағал ва карантин вақтида вақтинча ишсиз қолган фуқаро сифатида рўйхатга олинган.

Мазкур оилаларга ёрдам бериш мақсадида туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Хусусан, 2-сектордаги 645 та оиланинг 32 тасига иссиқхона қуриб бериш, 19 тасига ер бериш, 107 тасини кооперативга аъзо қилиш, 6 тасига парранда, 6 тасига қорамол, 7 тасига қўй ва эчки бериш, 7 тасига асалари уяси олиб бериш, 150 тасини пахта ва ғалла парвариши учун пудратчи сифатида ишга олиш, 79 тасига томорқасидан икки-уч марта ҳосил олишга ўқитиш, 29 тасини қурилиш ташкилотларига, 26 тасини квоталанган иш ўринларига, 139 тасини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жойлаштириш орқали бандлигини таъминлаш режалаштирилган.

Ўтган давр мобайнида 645 та оилага 301 млн. сўмлик озиқ-овқат ва 125 млн. сўм нақд пул берилиши таъминланди. Бундан ташқари, 150 киши доимий ва 102 киши мавсумий ишга жалб этилди. 33 та оиланинг 3,8 млн. сўмлик қарзи тўлаб берилди.

Мисол учун, Учуйли маҳалласида яшовчи Тоҳир Йўлдошев «Поп барака бозори» МЧЖга қоровул, Соҳиба Сиддиқова ва Венера Эргашева сотувчи, «Тепакўрғон» МФЙда яшовчи Адолат Имомқулова, «Ғурумсарой» МФЙда яшовчи Сайёра Аҳмаджонова, «Янгиер» МФЙда яшовчи Абдувоҳид Мансуров, «Уйғур» МФЙда яшовчи Шоҳсанам Нодирова «Наманган дори-дармон» АЖга қарашли дорихоналарга ишга жойлаштирилди.

Шунингдек, 2 та оилага 1,1 млн. сўмлик дори-дармон етказилди, 16 оилага 95 млн. сўмлик иссиқхона қуриб берилди, 7 та оилага 17,5 млн. сўмлик 2 қутидан асалари уяси, 7 та оилага 46,5 млн. сўмлик болали сигир, 7 та оилага 13,6 млн. сўмлик 15 та қўй, 15 та оилага 18 млн. сўмлик 450 та товуқ етказиб берилди.

Камбағал оилаларни иш билан таъминлаш мақсадида бир неча йиллардан буён фойдаланилмай келаётган ерлар ўзлаштирилиб, иккита кооператив ташкил қилинди. Унга аъзо бўлган 150 та оилага 20 сотиҳдан ер ажратиш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилди. 2020 йил 2 июнь куни 50 тасига ер ажратилиб, меҳнат бўлими томонидан сертификатлар топширилди. Кейинги босқичда эса яна 100 та оила ерли бўлди.

«Саховат ва кўмак» умуммиллий ҳаракати доирасида шароити оғир оилалар ёлғизлатиб қўйилгани йўқ. Уларни озиқ-овқат ва зарурий моллар билан таъминлаш доимий эътиборимизда. «Саховат ва кўмак» жамғармасидан ажратилган маблағ эвазига 40 та оилага 50 тадан товуқ тарқатилди.

Шунингдек, Ғурумсаройдаги қаровсиз ётган 9 гектар тутзорга пахта экилиб, 9 киши пудрат шартномаси асосида мавсумий ишга жойлаштирилди.

Прокурор ҳудудидаги 4 нафар ёлғиз шахснинг ҳолидан хабар олиб туриш мақсадида уларга 4 киши қаровчи сифатида бириктирилди.

Тадбиркорлик ривожланса, жамият, юрт равнақ топади. Шу боис «Пунгон шоҳ савдо» МЧЖ раҳбари Я.Акбаровга туман прокуратураси томонидан ёрдам кўрсатилиши натижасида 4 киши иш билан таъминланиб, қолипли нон ишлаб чиқариш цехи ташкил этилди.

«Ўз-ўзини банд қилиш дастури» бўйича ҳам ишсиз фуқароларни банд қилиш чоралари кўрилаяпти. Ўз-ўзини банд қилган 67 хил касб эгалари карантин даврида даромад солиғидан озод қилинишини тушунтирганимиздан сўнг туманда 244 та косиб, сартарош, новвой ва бошқа тадбиркорлар қайтадан иш бошлади.

Бундан ташқари, ишсизлик юқори бўлган Янгиер маҳалласидаги аёлларни иш билан таъминлаш мақсадида «Поп файз стом» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда 10 млрд. сўмлик лойиҳа ишлаб чиқилди. У ишга тушгач, яна 100 га яқин кишининг бандлиги таъминланади.

Бу борада яна кўп мисол келтириш мумкин. Бироқ халқимизда «Ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин» деган гап бор. Дину диёнатимизга уйғун бу ҳикматга таянган ҳолда барчасини баён этишдан тийилдик. Ҳамюртларимиз оқибатни улуғлаб келаётган эл уларни синовли кунларда ёлғизлатиб қўймаслигини ҳис этса бас.

Хусниддин ҲАКИМОВ,
Поп тумани прокурори

БЕЗОРИЛИК ЭРКАЛИК ДЕГАНИ ЭМАС...

Жиноят кодексининг «Ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш» деб номланган 219-моддасида «Қаршилик кўрсатиш, яъни хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш – базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларни қандай шаклда бўлмасин ўзининг хизмат вазифасини бажариш ёки фуқаровий бурчини бажаришдан воз кечишга, шунингдек қонунга хилоф ҳаракатлар содир этишга мажбур қилиш – уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади» деб белгилаб қўйилган.

Афсуски, фуқаро С.Умаровнинг мазкур моддадан хабари бўлса-да, бир ҳуқуқбузарлик ортидан иккинчисига қўл урди. У «Мастман, ҳар қандай номаъқул иш қилсам бўлаверади» деб ўйлаб қаттиқ янглишди. С.Умаров 2020 йилнинг апрель ойида спиртли ичимлик истеъмол қилиб уйига келади ва безорилик қилиб, ўз онаси ҳақоратлайди. Маст ўғлини тинчлантира олмаган онаси унга нисбатан чора кўриш учун ҳудуд профилактика инспекторини чақиради. Инспектор П.Худойқулов суриштирув ўтказиш учун С.Умаровни ички ишлар идорасига олиб келади. Воқеага ойдинлик киритиш учун жабрланувчилар, яъни безорининг онаси ҳамда синглисидан тушунтириш олинади. Шу пайтда С.Умаров безорилигини давом эттириб, онасига тегишли «Spark» автомашинасининг орқа ойнасини синдириб, уни яна ҳақорат қила бошлайди. Инспектор уни тинчлантиришга ҳаракат қилганда эса С.Умаров қаршилик кўрсатиб, юзига мушт туширади. Бу ҳам етмагандай, ўнг қўлининг бош бармоғини тишлаб, жароҳат етказади. Хизмат кийимини ҳам шикастлайди.

Ҳам қонунни бузган, ҳам қонун ҳимоячисига қаршилик кўрсатиб шикаст етказган С.Умаров суд ҳукми билан айбли деб топилди ва унга иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Расул МАТХАЛИКОВ,
Бош прокуратура бошқарма АМИБ терговчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 10 июль куни «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030-йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонни қабул қилди.

МАҲКУМЛАРНИНГ ҲАМ ҲУҚУҚЛАРИ БОР...

Бугун мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош мезони — адолат, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари устунлигини таъминлаш. Бу жараёнда жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолмаяпти.



Жумладан, 2020 йилнинг 30 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун имзоланиб, кучга кирди.

Хусусан, мазкур қонун билан маҳкумларнинг шахсий хавфсизликни таъминлашни сўраб қилган мурожаатлари (хабарлари) шундай мурожаатларни қайд этиш дафтарида рўйхатга олиниши ва уч сутка ичида, кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда эса дарҳол кўриб чиқилиши ва натижаси тўғрисида маҳкум имзо қўйдирилган тарзда таништирилиши қатъий белгиланди. Шу билан бирга, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида уларни тинтув қилиш чоғида жисмоний куч ва махсус воситалар қўлланиши тақиқланди.

Қонун билан маҳкум аёлларнинг вояга етмаган фарзандлари билан учрашувларининг алоҳида тартиби белгиланди. Яъни, маҳкум аёлларга вояга етмаган болалари билан бир йилда тўрт марта, муддати беш суткагача бўлган узоқ муддатли учрашув, манзил-колонияда жазо ўтаётганларга эса ишдан бўш вақтда муассаса ҳудудидан ташқарида яшаш имконияти билан узоқ муддатли учрашувлар чекланмаган миқдорда берилади.

Амалдаги Жиноят-ижроия кодексининг 102-моддасида маҳкумларга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган рағбатлантириш чоралари кўрсатилган бўлса-да, бироқ уларни қачон ва қандай ҳолатларда қўллаш тартиби белгиланмаган эди.

Янги қонун билан кодекс мазкур рағбатлантириш чораларини қўллаш тартибини белгиловчи 102[1]-модда билан тўлдирилди.

Шунингдек, маҳкумларнинг учрашувлари ва телефон орқали сўзлашувларини кўпайтириш, бундай учрашувларни уларнинг илтимосига кўра видеоучрашувлар билан алмаштириш каби ҳуқуқлари кенгайтирилди.

Қисқача айтганда, ушбу қонун маҳкумларнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга хизмат қилади.

Қаҳрамон СУЛЕЙМАНОВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

ТАЖРИБА, ИЖРО ВА ИНТИЗОМ

Мамлакатимизда қисқа вақт ичида суд ва бошқа органлар қарорларининг ижросини таъминлаш, энергия ресурслари бўйича қарздорликни камайтириш борасида ижобий кўрсаткичларга эришилди. Президентимизнинг 2017 йил 29 майдаги «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ Бош прокуратура ҳузурида Мажбурий ижро бюросининг ташкил этилиши билан ана шу тўловларнинг ҳаммаси битта жойга жамланди.

Бюро ташкил этилгач, энергия ресурслари учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундириш, электр ва газ тармоқларига ноқонуний уланишларни аниқлаш, шунингдек, суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини сўзсиз таъминлаш чоралари белгиланди. Кейинчалик бюро органларига маиший чиқиндилар учун тўловларни ундириш вазифаси ҳам юкланган эди.

Энг муҳими, МИБ махсус ваколатли орган сифатида суриштирув ва тезкор қидирувни амалга ошириш ҳуқуқига ҳам эга бўлди. Электр энергияси, табиий газ, шунингдек, 2018 йилдан бошлаб сув таъминоти учун ҳам тўловларни қабул қилиш, бу соҳадаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, ҳисоб-китобларни тартибга солиш, шу билан бирга, суд ва бошқа органларнинг қарорлари ижросини таъминлаш янги идоранинг зиммасида эди.

МИБ ташкил этилган куниданоқ жамоатчиликнинг эътиборида бўлди. Энергия ресурслари ва сув таъминоти соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлашда прокуратура тизимида тўпланган тажриба ва ижро интизомидан унумли фойдаланилди.

Бугун дунё бўйлаб инсониятга хавф солаётган коронавирус инфекцияси, афсуски, юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Шу боис барча ташкилотлар фаолиятида вирусдан сақланиш бўйича қатъий профилактик чоралар белгиланган. Бу борада бюро томонидан тўлов интизомини йўлга қўйиш учун «Telegram» тармоғида истеъмолчиларга фойдаланилган коммунал хизматлар ҳақини уйидан туриб тўлаш имконини берувчи @mibuzbot канали ишга туширилди.

Эндиликда тўлов интизоми мустаҳкамланди, йиллар давомида тўпланиб келган муаммолар счимини топди. Бир сўз билан айтганда, Мажбурий ижро бюросига юклатилган вазифалар бажарилиб, уларни Энергетика вазирлиги зиммасига ўтказиш ислоҳот талабларидан бирига айланди.

2020 йилнинг 18 июнь куни давлатимиз раҳбарининг «Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Унда газ ва электр учун тўловларни қабул қилиш вазифаси Мажбурий ижро бюросидан Энергетика вазирлигига ўтиши белгиланди. Шунингдек, фармонга биноан энергия таъминоти, маиший чиқиндиларни олиб кетиш соҳасида тўлов интизомини таъминлаш бўйича бюро органларининг вазифалари тугатилиши муносабати билан унинг фаолиятини такомиллаштириш ва штатларини қисқартириш назарда тутилган. Аммо электр энергияси ва табиий газ учун тўловларни ундириш вазифаси «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ ва «Ҳудудгазтаъминот» АЖга ўтказилиши муносабати билан уларга биринчи навбатда қисқартирилаётган бюро ходимларини ишга олиш қайд этилди.

Президентимизнинг 2017 йил 13 ноябрдаги «Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан жойларда электр энергияси истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимига уланиш жараёни бошланган эди.

Шу ўринда энергия ресурслари бўйича тўлов интизомини мустаҳкамлаш ҳам бюро ходимларига осон кечмаганини эслатиб ўтиш жоиз. Бюро фаолиятида энергия ресурслари ва сув ҳақини ундиришда аввало тўлов интизомига амал қилмаётган фуқаролар ўртасида тарғибот ва тушунтириш ишлари мунтазам олиб борилди. Асосийси, юртдошларимизда тўлов интизомига риоя қилиш маданияти шаклана бошлади. Энди Энергетика вазирлиги бу борада тизимли равишда иш олиб боради. Чунки кейинги йилларда ушбу вазирликда бир қатор ижобий ўзгаришлар бўлди. Соҳани ислоҳ қилиш мақсадида «Ўзбекэнерго» АЖ негизида учта: «Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» ва «Ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятлари ташкил этилди. Шу тариқа электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлашнинг замонавий усулларига ўтилди.

Табиий газ ва электр энергиясини аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига сотиш механизмини такомиллаштириш, уларнинг истеъмоли учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундириш мақсадида 2020 йил 1 июлдан «Ҳудудгазтаъминот» АЖга ва магистрал газ узатиш тизимига уланган истеъмолчиларга табиий газни тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиш функцияси «Ўзтрансгаз» АЖга юкланади.

Мажбурий ижро бюроси зиммасидаги электр энергияси ва табиий газ истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимлари, шунингдек, муқобил энергия манбаларини жорий этиш ва ушбу жараёнлар устидан мониторинг ўтказишга доир вазифа ва ваколатлар 2020 йил 1 августдан Энергетика вазирлигига ўтказилади. Унгача МИБ бу йўналишда ўз ишини давом эттиради.

2020 йил 1 июлдан бошлаб янги табиий газ истеъмолчилари (йирик стратегик корхоналар бундан мустасно) фақат газ тақсимлаш тармоқларига уланади. Барча турдаги истеъмолчилар учун табиий газни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими 2021 йил охирига қадар тўлиқ жорий этилади.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳар бир ислоҳот халқимизнинг фаровон турмуши учун қилинмоқда, бу ислоҳотларнинг ижобий натижа бериши учун эса ҳар бир фуқаро масъулдир.

Шукурулло ХАТАМОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати кенгашининг 2020 йил 13 июлдаги қарорлари билан Олий суд раисининг биринчи ўринбосари сайланди ҳамда Олий суд таркибига ўзгартиришлар киритилди.



ЭКИН УСТИГА ИМОРАТ ҚУРИШ ЎРИНЛИМИ?..

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида 20 млн. гектардан ортиқ, шу жумладан 3,2 млн. гектар суғориладиган ерда озиқ-овқат ва бошқа хомашёлар етиштирилмоқда. Суғориладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш чоралари кўрилаяпти.

Ер кодексининг 44-моддасида суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозимлиги, бундай ерлар алоҳида ҳолларда, тупроқ-мелиоратив ва иқтисодий шароит, ернинг сув билан таъминлангани, ундаги сув ресурслари ҳамда бу сувларга белгиланган лимитлар инобатга олиниб, Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Қишлоқ хўжалиги ва Сув хўжалиги вазирликларининг ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитасининг хулосасига мувофиқ вилоят ҳокими қарорига биноан суғорилмайдиган ерлар сирасига ўтказилиши белгиланган.

Шунингдек, алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерларни корхона, бино ва иншоотлар қуриш учун беришга алоҳида ҳолларда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан йўл қўйилади.

Мазкур кодекснинг 46-моддасига кўра қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар Ўзбекистон фуқароларига фермер хўжаликларини юритиш учун ва жамоа боғдорчилиги, полизчилиги ва узумчилиги учун берилади.

Бундан ташқари, бу ерлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалигини юритиш учун вақтинча берилиши мумкин.

Бироқ айрим ҳолларда бундай ерлар ўзбошимчалик билан эгаллаб олинмоқда ёки мутасадди органлар томонидан қонунда белгиланган тартибни бузган ҳолда белгиланмаган мақсадда ажратиб берилишига йўл қўйилмоқда. Масалан, фуқаро Ш.Авазов Урганч тумани ҳокимига ариза билан мурожаат қилиб, тикувчилик цехи ва мебель дўкони қуриш учун Ғалаба қишлоғидан 500 кв.м. ер ажратиб беришни сўраган.

Туман ҳокимининг 2018 йил 18 июндаги қарори билан Ғалаба қишлоғи Қумробод маҳалласи ҳудудидан 500 кв.м. ер доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан Ш.Авазовга ажратилиб, мазкур қарорнинг тасдиғини вилоят ҳокимлигидан сўраш белгиланган.

Вилоят ҳокимлиги ажратилиши белгиланган ерни ўрганганида туман ҳокимлиги қарори билан фуқарога суғориладиган экин майдонидан ер ажратилиши белгиланган, бу ерга ғалла экилгани аниқланиб, бу ҳақда 28 июнда йиғилиш баёни расмийлаштирилган.

Шу боис туман ҳокимининг ер ажратиш тўғрисидаги қарори тасдиқланмаган ва Ш.Авазовга туман захирасидан бошқа ер таклиф этилган. Бироқ фуқаро маъмурий судга мурожаат қилиб, вилоят ҳокимлигининг зиммасига ер ажратиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Урганч шаҳар маъмурий судининг 21 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилиб, Хоразм вилояти ҳокимлиги зиммасига Қумробод маҳалласидан Ш.Авазовга 500 кв.м. ер ажратиб бериш мажбурияти юкланган.

Вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 29 ноябрдаги қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгартирилиб, вилоят ҳокимлиги зиммасига Урганч тумани ҳокимининг 18 июндаги қарорини тасдиқлаш мажбурияти юкланган.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 154-моддасида суднинг ҳал қилув қарори қонуний ва асослантирилган бўлиши кераклиги белгиланган.

Ишни кўриш давомида судга тақдим этилган Хоразм вилояти ҳокими маҳкамасининг 2019 йил 15 октябрдаги хатига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонининг 5-бандида суғориладиган ерлар махсус муҳофазага олиниб, ушбу ерларни қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларга, шу жумладан саноат ва фуқаролик объектлари (бино ва иншоотлар) қурилиши учун ажратишга йўл қўйилмаслиги белгиланган учун Ш.Авазовга бошқа жойдан ер ажратиш ҳақида таклиф бериш тавсия қилинган.

Шу билан бирга, Урганч тумани ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг 2020 йил 12 февралдаги маълумотномаси тақдим этилган бўлиб, унда низоли ер бугунги кунда пахта ва ғалла етиштириш учун фермер хўжалигининг ҳисобидаги ер ҳисобланиши маълум қилинган.

Қуйи судлар ушбу ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бермасдан қарор чиқаргани боис ушбу ҳужжатларга нисбатан муносабат билдирилиши орқали қонунийлик таъминланди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш учун ажратилмаган ерларда, шунингдек иморат қуриш учун рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй ва бошқа бинолар ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади.

Фуқаролик кодексининг 212-моддасига кўра ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайди.

Шу сабабли ердан оқилона фойланиш, уни муҳофаза қилиш бизнинг конституциявий бурчимиз, қонунларда белгиланган қоидаларга амал қилиш эса мажбуриятимиз эканлигини унутмаслигимиз даркор.

Шаҳноза УМАРОВА,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

ТЎСИҚЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қатор ишлар қилинмоқда.

Ҳозир Қорақалпоғистонда 34 137 та тадбиркорлик субъекти ишлаяпти. Йилнинг ўтган даври мобайнида прокуратура органлари томонидан 622 та тадбиркорлик субъектига ёрдам кўрсатилди. Уларнинг 103 тасига 28 млрд. 947 млн. сўм кредит олишига, 66 тасига 798 гектар ер, 9 тасига бино ва иншоотлар олишида, 112 тасига коммуникация тармоқларига уланишда, 166 тасига лицензия ва рухсатнома олишда ва 170 тасига бошқа масалаларда кўмаклашилди.

Экспортчи корхоналарга прокуратура ходимлари бириктирилиб, уларнинг фаолияти устидан кундалик мониторинг ташкил этилди. Бунда асосий эътибор улар пандемия шароитида фаолиятини тўхтатиб қўйишининг олдини олиш, муаммоларини ҳал этишга кўмаклашишга қаратилмоқда.

Шунингдек, Қораўзак туманидаги ёш тадбиркорлар С.Жўлдасбаев ва М.Қурбанниязовларга бўш турган бинолар олиб берилиб, пластик ойна ва эшик-ромлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали 5 та, шоли ва буғдойни қайта ишлаш цехини ташкил қилиш орқали 4 та янги иш ўрни яратилишига эришилди.

Шунингдек, Нукус шаҳар прокуратураси «Орол механизация» МЧЖга «Uz truk & bus motors» қўшма корхонасидан «Sinotruk» русумли автосамосвал харид қилиши учун «Алоқа банк»нинг Қорақалпоғистон филиалидан 1 млрд. 200 млн. сўм кредит олишига ёрдам берди.

Коронавирус пандемияси даврида даромадсиз қолган камбағал оилаларни доимий ишга жалб қилиш орқали яшаш шароитини яхшилаш мақсадида республика прокурори секторида 38 та, яъни Берунийда 5 та, Тўрткўлда 20 та, Элликқалъада 13 та кооператив ташкил этилиб, уларга 160 гектар ер ажратиб берилди. Бунинг натижасида 573 кишининг бандлиги таъминланди. Мисол учун, фуқаро Х.Аҳмедовга қишлоқ хўжалиги кооперативи ташкил этиш учун 22,3 гектар ер берилди ва 26 кишига 0,2 гектардан ер ва 2 млн. 200 минг сўмдан субсидия ажратилиши таъминланди.

Албатта, тадбиркор самарали ишлаши учун биринчи навбатда қулай шароит ва эркинлик зарур. Прокуратура органлари томонидан 221 та ҳолатда тадбиркорларнинг фаолиятига тўсқинлик қилингани аниқланди. Уларга белгиланган тартибда муносабат билдирилди ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Масалан, назорат органлари 7 та тадбиркорлик субъекти раҳбарлари ҳамда ходимларини асоссиз равишда маъмурий жавобгарликка тортгани аниқланди. Ушбу ҳолатлар протест келтириш йўли билан бекор қилинди ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Албатта, тадбиркорлик соҳасида фаолият юритаётган фуқароларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар давом эттирилади.

Сардор ЯКУБОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи

Осиё тараққиёт банки Ўзбекистонда санитария-эпидемиология тизимини модернизация қилишга 200 млн. доллар ажратади.

Саҳифамизнинг бу галги меҳмони ўнлаб шогирдларнинг устози, «Прокуратуранинг фахрий ходими» кўкрак нишони соҳиби, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Улуғбек Иномжонов. Умрининг қарийб 40 йилини юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашишга бағишлаган Улуғбек ака бугунги кунда ҳам бекор ўтиргани йўқ. У киши айни пайтда Ўзбекистон прокуратураси органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик марказининг транспорт бўйича ҳудудий бўлими раиси сифатида фаолият олиб бормоқда.

ҲАЛОВАТСИЗ ЮЗ ЙИГИРМА КУН...

Бундан ўттиз йил муқаддам Андижон шаҳрининг чекка маҳаллаларидан биридаги хонадонда юз берган қотиллик ҳақидаги хабар зумда чор атрофга тарқалди. Воқеа жойига ўша пайтда вилоят прокурори лавозимида ишлаётган Улуғбек ака бошчилигида вилоят ҳамда шаҳар прокуратураси, шунингдек, ички ишлар органлари ходимлари етиб келишади. Зудлик билан тезкор-тергов гуруҳи тузилиб, мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилади. Шукурки, оиланинг уч фарзанди бувисининг уйига кетгани боис омон қолишади.

Хуллас, жиноятни фош этишга бел боғлаган тажрибали ходимлардан иборат гуруҳ ишга киришади ва кўп ўтмай уларнинг боши қотиб қолади. Чунки, биринчидан, агар хонадонга пул ёки қимматбаҳо буюмларни олиш мақсадида бостириб кирилган дея тахмин қилинса, қотиллик қурбонлари – ҳали кирк ёшга ҳам кирмаган эр-хотиннинг ортиқча бойлиги деярли бўлмаган. Қолаверса, уй ичини кўздан кечиришда сандиқ ичидан иккита ярим литрлик банка, яна фил сурати солинган, ярми ишлатилган ҳинд чойи ҳам чиқади. Банкаларнинг биттасига конфет, иккинчисига асал солинган бўлиб, мазмунан меҳмон келса дастурхонга қўйишга оила бисотидаги бор ширинлик шулардан иборат бўлган бўлса керак. Ерда ҳатто тахта пол ҳам йўқ, хоналарга кигиз тўшалган...

Тўғри, кўни-қўшниларнинг гапига қараганда, эр-хотин ўртасида гоҳида уруш-жанжал бўлиб турган. Аммо ҳамма келишмовчиликлар ҳам фожиа билан тугамайди. Бундан ташқари, агар эр жаҳл устида хотинини пичоқлаб ўлдириб, кейин ўз жонига қасд қилган дейилса, бу ҳам мантиққа тўғри келмайди. Негаки, уларнинг ҳар иккисига ўттиз-кирк мартадан пичоқ урилган...

Хоналарнинг остин-устун қилингани, ҳатто дераза-ларнинг рахигача кўчирилгани эса нимадир қидирилганини кўрсатиб турибди. Бироқ юқорида қайд этилганидек, оиланинг ҳаминқадар, қўл учида кун кечирганини кўрсатиб турган аҳвол эътиборга олинса, бу хонадонга бостирнчилар кирган дейишга ҳеч бир асос йўқ.

Гуруҳ аъзолари жиноятни фош этиш бўйича кун давомида қилинган ишлар юзасидан вилоят прокурорига ахборот бериш баробарида, воқеа жойидан бирорта из топилмагани, таниш-билишлар, қўни-қўшнилардан сўраб-суриштиришлар ҳам наф бермагани ҳақида айтишади. Шунда Улуғбек ака узоқ йиллик тажрибасига суянади: қотиллик қурбонлари истиқомат қилган уй бурчакда жойлашганига эътибор қаратади ва гуруҳ аъзоларига маҳалладаги шундай қурилган уйларда яшаётган оилалар ҳақида сўраб-суриштириш ҳақида топшириқ беради. Кўп ўтмай машъум ҳодиса юз берган уйнинг орқа томонида шу тарзда қурилган, аммо ўзининг ҳашаматли экани билан анча фарқ қиладиган хонадонда чайқовчилик билан шуғулланадиган аёл яшаши аниқланади.

Ундан сўраб-суриштирилганда, аёл олдига турли одамлар келиб туриши, яқинда келган бир йигит эса «молларнинг нархи нега қиммат?» деб жаҳл қилиб кетганини айтиб беради. Аёлнинг кўрсатмалари билан ўша йигитни топиш бўйича иш бошланади. Оз фурсатда йигитнинг кимлиги аниқланади ва у ҳам терговга жалб этилади.

Маълум бўлишича, айнан шу йигит чайқовчи аёлнинг уйига харидор сифатида келиш баҳонасида хонадоннинг паст-баландини ўрганган ва жиноий шерикларига хабар берган экан. Аммо унинг шериклари манзилни адаштиришади, топгани рўзғордан ортмаётган, ҳеч нарсадан хабари йўқ эр-хотиннинг уйига девор ошиб тушишади ва уларни ўзи йўқ пулларни топиб беришга мажбур қилиб, қийноққа солишади. Буларнинг барчаси бостирнчилар қўлга олингандан кейин аён бўлади. Тўғри, аввалига улар айбларини бўйнига олишмайди. Бироқ хонадонларда тинтув ўтказилиб, қийимларидаги қон доғлари ДНК экспертизасига берилгач, бу доғлар марҳумларники билан тўғри келгачгина қотилликни қандай амалга оширганларини айтиб беришади.

Уларнинг кўрсатмаларидан маълум бўлишича, канча қийнашмасин, эр-хотин «пулимиз йўқ» деб туриб олишади. Бу эса бостирнчиларнинг жаҳлини чиқаради. «Бойлик жондан азизми? Шунча пичоқ урсак-да, эр-хотин пулларини қаерга яширишганини кўрсатишмади-я! Бу бизнинг асабимизни қўзғади...», – дея кейинчалик судда айтиб берган эди айбланувчиларнинг бири.

Мазкур қотиллик тўрт ойга етмай фош этилади ва суд бостирнчиларга узоқ муддат озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлайди.

Ғофуржон АЛИМОВ,
«Ҳуқуқ»

ЛАФЗИНГ ҲАЛОЛ БЎЛСИН!

Лафз... Халқимиз азалдан бу тушунчани ор қадар, жон қадар ардоқлаган. Лафз қилганми, бу ишидан моддий зарар кўрса ҳам ваъдасини бажарган. Лафз қилган инсонга ишониб, омонатини қўлига тутқазган.



Бироқ шундай кимсалар борки, улар учун лафз деган улуғ бойликнинг сариқ чақачалик қиймати йўқ. Уни арзон-гаровга бўлса ҳам пуллаб, бойлик орттириш пайида бўлишади. Бироқ охири нафақат лафзидан, балки эл ичидаги обрўсидан ҳам айриладилар. Қилмишларининг жабрини тортадилар ва товонини ортиғи билан тўлайдилар...

Ҳасан дастлаб таниши Ҳ.Бўриев билан тил бириктириб, Қарши тумани Ҳилол қишлоғида яшовчи З.Авазовга 2019 йил 30 июнда «Шўртангазкимё» МЧЖга қарашли ҳудудда турган темир қувурларни кўрсатиб, унга ушбу қувурлар металлом сифатида чиқарилганини, уларни арзон нархда олиб бериши мумкинлигини айтди.

– 530 миллиметр ҳажмли, 400 метр темир қувур бу, 20 млн. 700 минг сўмни аввалдан тўласангиз, заводдан обчиқиб бераман, – дея ваъдани қуюқ қилиб юборди. – Ўйлаб кўринг, темир-терсак нархига шунча қувурли бўпқоласиз.

«Мижоз» қувурни кўргач, дарҳол сўралган пулни берди.

– Машиналарингни соат тўртларда заводнинг олдида тайёрлаб туринглар, – деди Ҳасан ғамхўрлик билан. – Ортиб беришга кран бизнинг ҳисобимиздан...

Аммо... Машиналар соатлаб дарвоза ёнида сарғайди ҳамки, Ҳасандан дарак бўлмади. У «мижоз»нинг қўнғироқларига ҳам жавоб бермай қўйган эди.

Ҳасан шериги Ҳ.Бўриев билан жиноий ҳаракатларини давом эттириб, фириб тўрини Навоий вилояти томонга ёйишди. 2019 йилнинг 8 июль куни Навбаҳор туманида яшовчи Р.Ўровозга «Телеграм» орқали худди ўша қувурлар видеосини кўрсатиб, ундан 18 млн. 50 минг сўм олишди. Лекин...

Қарши шаҳрида яшовчи М.Назаровага Ҳасан ўзини «Қарши шаҳар ҳокимлиги уй-жой бўлими ходими» деб таништирди.

– Дом олмоқчи бўлсангиз, марҳамат, ёрдам беришим мумкин, – деди сохта ходим сертакаллуфлик билан. – Энг аввало бирон жойда ишлаётганингиз ҳақида маълумотнома керак. Буниям ўзимиз тўғрилаймиз...

Шундай ёлғонларни дўндириб, Ҳасан аёлдан 5 млн. 350 минг сўм пул олиб, жиғилдонига урди. Бирок...

«Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» дейишади. Бундан ташқари, Ҳасан Яккабоғ тумани Қўштегирмон қишлоғида яшовчи Я.Усмоновга ҳам ўзини Қарши шаҳар ҳокимлиги ходими сифатида таништирди. Яна ёлғонни ямламай ютиб, унинг 3 млн. сўмини олишга эришди.

Буюк юришларнинг ҳам ниҳояси бўлганидек, фирибгарларнинг ҳам қилмишларига чек қўйилди. Жиноят ишлари бўйича Ғузор тумани судида Ҳасан Маматқуловга оид жиноят иши кўрилди.

Суд ҳукмига кўра Ҳасан Маматқуловга илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддати қисман қўшилиб, 5 йилу 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Бундан ташқари, ундан жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарарлар ҳам ундириладиган бўлди.

Жасур ШУКУРОВ,
Қашқадарё вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

Жаҳон банки Ўзбекистонга қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш учун 500 млн. доллар ажратади.

ҚОНУН ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ КЕРАК



Одил судловга нафақат адолатли ва очиқ суд мажлислари орқали, балки суд қарорлари ижросини таъминлашга қодир бўлган ваколатли тузилмани ташкил этиш, энг асосийси, бу борада пухта тайёрланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш орқали эришиш мумкин. Акс ҳолда суд қарорлари қанчалик адолатли бўлмасин, ижроси таъминланмаса ўз моҳиятини йўқотади.

Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилингандан буён унга бир неча марта ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Шу билан бирга, қонунни қўллаш жараёнида учраётган айрим муаммолар уни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Хусусан, қонуннинг 40-моддаси учинчи қисмига кўра қарздорнинг манзилини ёки унинг мулки турган жойни аниқлаш ёхуд банклар ё бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақ ва омонатларда қарздорга қарашли пул ва бошқа бойликлар сақланаётгани тўғрисидаги маълумотларни олиш мумкин бўлмаса ҳамда қарздорнинг ундирувга қаратилиши мумкин бўлган мулки ё даромадлари бўлмаса ва унинг мулки ё даромадларини қидириш юзасидан давлат ижрочиси қонун доирасида кўрган барча чоралар натижасиз бўлса бюджетга ҳамда давлат фондларига солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича боқиманда қарзни ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжати давлат солиқ хизмати органига, давлат даромадига ундирувни назарда тутувчи бошқа ижро ҳужжати эса уни берган судга ёки бошқа органга қайтарилиши белгиланган.

Қонуннинг мазкур моддасидаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича боқиманда қарз ва давлат даромадига ўзга ундирувни назарда тутувчи жумлалар айрим тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Мисол учун, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг жойлардаги бўлимлари томонидан 2018-2019 йилларда юқоридаги асослар бўйича республика бюджетига давлат божи ундириш тўғрисидаги бир нечта ижро ҳужжатининг асл нусхаси иқтисодий судга қайтарилган.

Айнан шу ўринда қонуннинг мазкур нормаси икки хил изоҳланишини кўриш мумкин. Юқоридаги мисолда давлат божи давлат даромадига ўзга ундирувни назарда тутувчи ижро ҳужжати сифатида баҳоланиб, ушбу ҳужжатни берган судга қайтарилган.

Бироқ эски Солиқ кодексида ҳам, «Давлат божи тўғрисида»ги қонунда ҳам давлат божи мажбурий тўлов эканлиги кўрсатилган. Шунингдек, давлат божининг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ундирилиши ва давлат бюджетига ўз вақтида ўтказилишини «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонунга мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари назорат қилади. Шу сабабли ундириш имкони бўлмагани учун республика бюджетига давлат божи ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатини давлат солиқ хизмати органига қайтариш мантиқан тўғри бўлар эди.

Юқоридаги мисолда ҳуқуқни қўлловчиларни чалғитувчи ҳолат боқиманда қарз сўз бирикмаси эканлигини кўриш мумкин. Ҳолбуки, боқиманда қарз атамаси 2008 йил 1 январда кучини йўқотган эски Солиқ кодекси билан истеъмолдан чиқарилган.

Шу боис қонуннинг 40-моддаси учинчи қисмида фойдаланилган тушунча ва атамалар турлича изоҳланишини истисно этадиган тарзда қайта кўриб чиқилиши лозим. Бу ҳақда «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддаси биринчи қисмида ҳам баён қилинган.

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 62-моддасининг иккинчи қисмида иқтисодий суднинг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатиш ишини юритишни очиш тўғрисидаги қарорининг кўчирма нусхаси олинганда, шунингдек рўйхатдан ўтказувчи органдан қарздорнинг ихтиёрий тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисида хабарнома олинганда давлат ижрочиси ижро иши юритишни тамомлаши қайд қилинган.

Бироқ давлат ижрочисига қарздорни банкрот деб топиш ва тугатиш ишини юритишни очиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхаси ёки қарздорнинг ихтиёрий тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисида хабар етиб келмасидан корхона тугатилиб, давлат реестридан чиқарилган ҳолатлар ҳам бор.

Бундай ҳолатда нима қилиш ва қандай қарор қабул қилиш лозимлиги ҳақида қонунда ечим йўқ. Шунга кўра қонуннинг 37-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига «ундирувчи ёки қарздор вафот этганда, у вафот этган деб эълон қилинганда, бедарак йўқолган деб топилганда, агар суд ҳужжати ёхуд бошқа органнинг ҳужжатида қўйилган талаблар ёки мажбуриятлар ҳуқуқий ворисга ёки бедарак йўқолганнинг мулкини ишончли бошқариб турган шахсга ўтиши мумкин бўлмаса» деган сўзлардан кейин «шунингдек, қарздор корхона тугатилган ва давлат реестридан чиқарилган бўлса» деган сўзларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

М.САИДОВ,
Бухоро вилояти иқтисодий суди раиси
Ё.ЮЛДАШЕВ,
Олий суд катта консультанти



ЎЗБОШИМЧАЛИК ОҚИБАТИ

виждон азобига дучор қилди

Биз шунга ўрганиб қолганмиз. Орамизда истеъмолга яроқлилиги шубҳали маҳсулотни ҳам «Ҳеч нарса қилмайди, баниятшифо! Уволи ёмон» дея еяверадиганлар топилади. Баъзан эса электр билан ишлашда ҳам шу тариқа ёндашиб, бирор кўнгилсизлик рўй бергани ҳақида эшитиб қоламиз. Албатта, бу ишга қўл урганлар ҳам ҳушёрроқ бўлиб, хавфсизлик чораларини кўриш ўрнига «Ҳеч нарса қилмайди!» деб ўйлаган.

Чарос Ғиёсова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ўз ишига шу тариқа эътиборсизлик билан ёндашгани ортидан бугун панжара ортида ўтирибди. У тумандаги юқумли касалликлар шифохонасида ҳамшира бўлиб ишлар, 2018 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб туғуруқ таътилида эди.

2020 йил 6 январь куни соат 16:50 ларда у ўз юмушларини бажариб юрганида қўшниси Холида Шамсиева икки ёшли ўғлини кўтариб кириб келди:

– Чарос, қаранг, ўғлимнинг иссиғи тушмаяпти. Шамоллаган шекилли... «Цефтриаксон» олаётгандик, қилиб қўя оласизми?

– Албатта!.. – у шундай деганча қўшнисини уйига таклиф этди.

Чарос тиббиётдан хабардор шахс сифатида бундай вазиятда беморга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиши, унинг иситмасини тушириш пайида бўлиши, шунингдек, зудлик билан шифокор чақириши лозим эди. У эса аксинча йўл тутди. Қўшнисидан беморнинг соғлиғи бўйича шифокорнинг тавсиясини сўраб ҳам ўтирмай, у олиб келган 1 граммлик «Цефтриаксон» дорисини 10 фоизли 4 дона (8 мл) «Лидокаина гидрохлорид» эритмасида эритиб, болакайнинг думбасига укол қилди.

Орадан 5-10 дақиқа ўтгач негадир беморнинг соғлиғида салбий ўзгаришлар кузатила бошлади. Чарос унга ўзи билганича ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилди, бироқ фойда бермади. Х.Шамсиева болани уйига олиб кетаётганида у йўлда вафот этди.

Экспертлар хулосасида юқорида қайд этилган дори 0,5 фоизли «Новокаин» эритмасида эритиб укол қилиниши лозимлиги, Ч.Ғиёсова қўллаган 10 фоизли 8 мл «Лидокаин» эритмасини 12 ёшгача бўлган болаларга қўллаш тиббиётда тақиқланиши, боланинг ўлимига айнан ана шу тақиқланган эритманинг нотўғри қўлланган сабаб бўлгани кўрсатилган.

Суд Ч.Ғиёсовани бир йил муддатга тиббиёт соҳасида раҳбарлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, уч йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлади.

Эътиборсизлик, ўйланмай қилинган иш ана шундай аянчли якунланди. Қўшнисига ёрдам бермоқчи бўлган аёлнинг билимсизлиги уни бир умрлик виждон азобига дучор этди.

Ушбу воқеа тиббий билими етарли бўлмай туриб атрофдагиларга укол қилишдан қўрқмайдиганларни ҳушёрликка чақирса не ажаб?!

Муҳаммадихон ЖЎРАЕВ,
Мингбулоқ тумани прокурори

Тошкент шаҳар ҳокимлиги матбуот хизматининг маълум қилишича, 14 июлдан бошлаб пойтахтда 1197 қисқа рақамли Ҳомийлик ёрдамларини мувофиқлаштирувчи марказ ишга тушган.

FAOLIYATIDAN

ЁЛҒОН БЕВИҚОР ҚИЛУР ОДАМНИ

Жамшид ундан-бундан гринкарта орқали Америкага кетаётганлар ҳақида эшитиб, орзулар мамлакатига қандай бўлмасин боришни ўйлаб юрган вақтларида врач қўшнисидан шу иш билан шуғулланадиган таниши борлигини эшитиб қолди.

Буни қўшнисидан эшитгач, дарҳол отни қамчилади.

– Опа, яхши бўлди сиз билан суҳбатлашганим. Қаранг-а, касал тузалмоқчи бўлса, табиб ўз оёғи билан келади дейишади-ку. Танишингизга айтинг, мен бориб учрашаман.

– Бўпти. Айтиб қўяман. Ишингиз битса бўлди, – деди опа.

2017 йил июль ойида Оғабек Айдаровга (исм-фамилиялар ўзгартирилган) қўнғироқ қилган Гўзал Жўрабек Нозимов деган йигитга чет элга кетишига ёрдам беришини сўради.

– Майли, опажон, ҳозирги кунда Москва шаҳри орқали Канадага меҳнат шартномаси асосида ишга юборишим мумкин. Москва шаҳридаги сайёҳлик фирмалари орқали меҳнат шартномаси асосида ишга юборадиган бўлсак, виза деганлари бор.

– Харажатлари бор демоқчимисиз? Буни билади борадиган йигит ҳам.

– 8000 АҚШ доллари бўлади. Ҳужжатларни тайёрлаш учун аванс сифатида 2000 доллар бериши керак.

Бу суҳбатлар айнан шу тарика кечмаган бўлиши мумкин, аммо Жўрабек Нозимов Оғабек Айдаровга юз фоиз ишонди. У ўзини тез кунларда Америкада юргандек ҳис қилди. Йўқса, айтилган таклифга рози бўлармиди?..

2017 йил август ойининг охирларида Ж.Нозимов ўз қўли билан 2000 долларни О.Айдаровга берди. Энди бу ёғига кутиш қолди. Кутаверди, кутаверди...

Ҳар гал бир хил жавоб: «Ака, шошилманг, ҳужжатларни тайёрлаяпман, ўзим қўнғироқ қиламан». Мижоздан олган пулни ҳалоллаш учун ҳаракатга тушган О.Айдаров интернет сайтлари орқали Москва шаҳридаги сайёҳлик фирмаларидан бирининг сайтига кириб, улардан Канадага ишга юбориш учун қандай ҳужжатлар керак бўлиши тўғрисида сўраб олди. Ҳолбуки, унга ишонган Ж.Нозимов гўё чет элга юборишда энг зўр воситачини топгандек қувониб юрганлари сароблигини билмасди. Жирингланган телефонини кўтарар экан, ишни дўндириб қўйган одамдек овозига оҳанг бериб сўз қотди.

– Сиқилманг, ака! Паспортингизни етказинг, – деди-ю суҳбат асносида бир дунё ёлғонни тўқиб ташлади.

2018 йил февраль ойида кутишдан чарчаган Ж.Нозимов яна қўнғироқ қилди.

– Виза учун паспортингизни Москвага юборганман, Канада элчихонасидан жавоб келмаяпти. Бориб келай десам... 1000 доллар керак...

– Эҳ, нима бўлса бўлар, ишим ҳал бўлса бўлди. Бераман шу сўраганингизни.

О.Айдаров ишларини пишитиб олди. Бухоро шаҳридаги Алпомиш кўчасидаги кўп қаватли уйининг биринчи қаватида жойлашган нотариал идорага Ж.Нозимов билан бориб, унинг паспортини Москва шаҳрига олиб бориб, Канада элчихонасига топшириш ва сайёҳлик фирмаси билан шартнома тузиш учун ишончномани шаҳодатлаб олишди. Унинг бу ҳаракатини кўрган Ж.Нозимов сингари ҳар қандай киши ҳам ишониши табиий. У қилди, бу қилди, ишқилиб, сохта бўлса-да Киев шаҳридаги Канада элчихонасининг бошқа киши номида бўлган ишчи виза стикерини қўйдириб олди. Бухорога қайтгач, Жамшиддан яна 4000 долларни олиб ими-жимида юраверди. Шундай кунларнинг бирида Ж.Нозимов океан ортига бориш орзусида юрган танишларидан бирининг Москва орқали Амстердамга бориб, визаси бошқа кишининг номига расмийлаштирилгани сабабли қайтиб келганини эшитиб қолиб, Оғабек Айдаровнинг ваъдалари эртак эканлигини англаб қолди. Энди ўз қўли билан берган пулини қайтариб ололмай саргардонлиги бошланди.

«Номи таниқли» МЧЖда экспедитор вазифасида ишлаб келган О.Айдаров қандай қилиб хориж орзусида юрган содда кишилар назарига тушиб қолишини ўзи ҳам билмайди.

2019 йилнинг апрель ойида ўзи Бухоро вилояти архитектура бошқармасига иш билан борганида унинг олдига Акрам Обилов деган бир йигит келиб, суҳбат асносида Норвегияга бормоқчи эканини айтиб, О.Айдаровдан ёрдам сўради.

– Бўпти, харажатидан қочмасангиз бўлди.

– Қанча бўлади?

– 1400 АҚШ доллари...

Ҳуллас, А.Обилов ҳам алданди.

Алданганлар сафига Икром Асилов, Баҳодир Султонов, Нозим Худоев ҳам қўшилди. Ижтимоий тармоқларда 2019 йил 15-16 ноябрь кунлари Американинг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтадиган юнон-рум кураши бўйича халқаро мусобақа ҳақида билиб қолган О.Айдаров Америкага кетиш орзусидаги йигитларни ушбу мусобақага жўнатиб пул ундирмоқчи бўлди. АҚШ элчихонасига бир эмас, икки марта бориб келган йигитлар суҳбатдан ўтиша олмагач, ҳафсаласи пир бўлди. Донишмандлар айтганидек, «Ёлғон бевиқор қилур йигитни». Қинғирликлар фош этилди. Рецидивист жиноятчи О.Айдаров айбли деб топилди. Жазо муқаррарлиги таъминланди. Аммо у тавбасига таянармикан, буни вақт кўрсатади.

Шерзод ШАВҚИДДИНОВ,
департаментнинг Бухоро вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи

УСТОМОНЛИК УСТУН КЕЛМАДИ

2019 йилнинг охирлари эди. Шаҳрихон туманидаги фермер хўжаликларидан бирининг раҳбари ҳузурига кирган бош ҳисобчи «Хўжаободдан пул тушибди» деб қолди. «Ҳа, келишув бор эди», – деди раҳбар ҳисобчи олиб кирган қоғозга кўз ташларкан. Аммо уни бир нарса ажаблантирди – телефондаги келишувдагидан кўра кўпроқ пул тушибди. Ҳисобчи янглишганми ё бошқа бирор важи борми – ҳозирча маълум эмас эди.

Бироқ пулни юборган муассаса – Хўжаобод туманидаги заиф эшитувчи болалар тарбиясига ихтисослашган таълим муассасаси раҳбари билан навбатдаги мулоқот бунга ойдинлик киритди. «Ортиқ-ками сизга-да, олди-бердида шунақаси ҳам бўлади. Қолганини учрашиб гаплашиб оламиз», – деди раҳбар.

Ҳақиқатан таълим муассасаси билан фермер хўжалиги орасида шартнома тузилган бўлиб, унга мувофиқ гўшт харид қилиниши керак, аммо келишувда 560 килограмм гўштга пул ўтказилган, кирим қилиниши керак бўлган маҳсулот эса анча кам – 365 килограмм эди. Хўш, нега бунақа? Давлат таълим муассасаси раҳбари Шавқиддин Отаболаев бу ҳақда муассаса омборчиси билан аллақачон тил бириктириб олган, ҳозирги ҳаракатлар ўша келишув натижаси эди. Бироқ фермер бошланган ўйиндан кечроқ хабар топди.

8 млн. 418 минг сўм пул ортиқча ўтказилган бўлиб, муассаса раҳбари бу пулни нақдлаштириб, қайтариб олишни кўзлаганди. Омборчи ҳам раҳбарнинг қўлидаги одам – юр деса юради, тур деса туради. Ўзича нима ҳам қила оларди? Илҳомжон Самиғов шундай йўлдан борди – Шавқиддин Отаболаев нима деса лаббай деб тураверди. Фермер хўжалиги иш юритувчиси Илҳомжонга келишилган 300 АҚШ долларини келтириб берди. «Яна беш юзи бор, – ўзича хомчўт қилди раҳбар, – майли, туриб тура қолсин, асқотадиган ўрни чиқар...» Бироқ...

Бу орада раҳбарнинг бошқа айби ҳам очилиб қолди. 2019 йил учун таълим муассасасига фермер хўжалиги орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича шартнома имзоланган. Шартнома эвазига 800 долларга юқоридаги 500 доллар қўшилиб, 1300 долларга айланган. Энди муассаса раҳбари ўша пулдан улуш сифатида 1300 долларни беришни сўраган. Фермер хўжалиги иш юритувчиси ва омборчи Хўжаободдаги автобозорда учрашиб, олди-берди қилади. 200 долларни омборчи хизмат ҳақи сифатида олиб қолади, қолган 1100 доллар раҳбарга берилиши керак эди.

Шундай бўлди ҳам, аммо Шавқиддин Отаболаев бу пулни ўз хизмат хонасида олган вақтида ашёвий далил билан қўлга тушди. Жиноят ишлари бўйича Хўжаобод тумани суди ушбу масалани атрофлича кўриб чиқди. Унга кўра айбдор деб топилган Шавқиддин Отаболаевга қилмиши учун 2 йил мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқи бекор қилиниб, 3 йилу 3 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланди. Жиноятга шерик бўлган омборчи ҳам шу тарика жазоланди.

Ф.ТОЖИДДИНОВ,
департаментнинг Хўжаобод тумани бўлими бошлиғи

ЖАМИЯТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТ

Порахўрлик, фирибгарлик каби жиноятлар жамиятда қонун устуворлиги таъминланишига тўсқинлик қилиш билан бирга, ҳар қандай давлатда илм ва маърифатнинг равнақ топишига салбий таъсир кўрсатиб, ижтимоий адолатсизликни келтириб чиқаради. Шу боис ушбу жиноятларга қарши кураш муҳим аҳамиятга эга.

Афсуски, мамлакатимизда ҳам шундай жиноятлар учраб турибди. Масалан, республикамиз коллежларидан бирида ишлаган О.Т. Х.Х. исмли фуқарога коллеж дипломини олиб беришни ваъда берган ва ундан фирибгарлик билан пул талаб қилган.

Шунингдек, яна бир таълим муассасасининг раҳбари Я.И. фуқаро Р.А. дан унинг укасини ишга қабул қилишини айтиб, пора талаб қилган.

Албатта, порахўрлар департамент органлари ўтказган тадбирларда қўлга олинди ва уларга суд томонидан жазо чоралари қўлланди.

Бизнинг вазифамиз фуқаролар фирибгарлар тузоғига тушиб қолмасликлари учун уларни огоҳликка чақиришдан иборат.

Марат БЕКМУРАТОВ,
департаментнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси катта инспектори

ҲАМШИРА ВАЪДАСИ

Бугунги кунда «ўқишга киритиб қўяман», «уй олиб бераман», «ишга жойлаб қўяман» деб алдаб кўпчиликни чув тушираётган фирибгарлар, афсуски, учраб турибди.

Хонқа тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси З.Ю. шу туманда яшовчи С.А.га бирлашма бош шифокори орқали ишга кириш масаласини ҳал этишни ваъда қилади. Бунинг учун 1200 АҚШ доллари сўрайди.

Ўз ҳуқуқини яхши билган С.А. мазкур ҳолат юзасидан департаментнинг Хоразм вилояти бошқармасига ариза билан мурожаат қилди. Ариза асосида ўтказилган тезкор тадбирда З.Ю. ишга киритиш эвазига талаб қилган пулни олаётган вақтда ашёвий далиллар билан ушланди.

Энди ҳамшира жиноий қилмиши учун қонун олдида жавоб беришига тўғри келади.

Ўктамбой ДАВЛЕТОВ,
департаментнинг Урганч шаҳар бўлими бошлиғи

Ижтимоий тармоқларда коронавирусни аниқлаш учун Хитойдан келтирилган тестлардан инфекция юқаётгани ҳақидаги хабарлар асоссиз эканлиги таъкидланди.

FAOLIYATIDAN

ҚИДИРУВДАГИ АВТОМАШИНАЛАР ТОПИЛДИ

А.Саидовдан фуқаролик ишлари бўйича Қоракўл туманлараро судининг 2017 йил 1 мартдаги ижро ҳужжатига асосан М.Авезовага бир фарзандининг моддий таъминоти учун, 2019 йил 24 апрелдаги ижро ҳужжатига асосан Д.Чориевага бир фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган. МИБ Қоракўл тумани бўлими ушбу ҳужжатларга асосан ижро ишини юритган. А.Саидов икки ойлик алиментни тўламасдан келган.

Шу билан бирга, бўлимда Жиззах вилояти ИИБ ЙҲХБнинг 2020 йил 22 мартдаги А.Саидовга жарима солиш тўғрисидаги қарори мавжуд бўлиб, у бир неча марта огоҳлантирилган бўлишига қарамасдан жаримани тўлашдан бўйин товлаб келган. Шунга кўра давлат ижроси томонидан А.Саидовга тегишли «Lacetti» автомашинасига қидирув эълон қилинган. Натижада автомашина топилиб хатланди ва жарима майдонига жойлаштирилди.

Худди шундай М.Шариповга тегишли, МИБнинг Вобкент тумани бўлими томонидан қидирув эълон қилинган «ВАЗ-2106» русумли, Пешку тумани бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Пешку туманлараро судининг 2020 йил 6 мартдаги М.Жўраевдан 19,2 млн. сўм кредит қарзини ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатига асосан қидирув эълон қилинган «Isuzu NPR 82L» русумли ҳамда Шофиркон тумани бўлими томонидан Н.Толибовдан 5,2 млн. сўм солиқни ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатига асосан қидирув эълон қилинган «ВАЗ-2101» русумли автомашиналар топилиб, жарима майдонига жойлаштирилган.

Айрим қарздорлар эса қидирувдаги автотранспортини сотишга ҳам улгурган ҳолатлар аниқланиб, тегишли чоралар кўрилмоқда.

Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судининг 2019 йил 3 апрелдаги ижро ҳужжатига кўра Қ.Бойқўзиев ноқонуний эгалик қилиб олган «Spark» автомашинасини Тошкент шаҳри Учтепа туманида яшовчи Т.Юсуповга олиб бериш белгиланган бўлиб, мазкур ижро ҳужжати бюронинг Бағдод тумани бўлимига келиб тушган.

Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида Қ.Бойқўзиевнинг уйи кўздан кечирилган, бироқ транспорт топилмаган ва ижро ҳужжати талабини бажармаганини сабабли унга МЖТКнинг 198[1]-моддасига асосан 1 млн. 115 минг сўм жарима солинган.

Ижро ҳужжати бўйича 2019 йил 9 майда мазкур транспортга нисбатан қидирув эълон қилинган. Ниҳоят, автомобиль 2020 йил 20 июнда Бешариқ туманидан топилган ва жарима майдонига қўйилган.

Аниқланишича, Қ.Бойқўзиев «Spark» автомашинасини аллақачон бешариқлик Ф.Турдалиевага 6 минг АҚШ долларига сотиб юборишга улгурган экан.

Ахрорбек АРЗИЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг бўлим бош инспектори

ОҚИБАТИНИ ЎЙЛАМАГАНДИ

Исроил Марайимовнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ажиб одатлари бор. Бировдан бир нима олса-ю, ҳаққини тўламаса. Бошқаларнинг нарсаларини ишлатаверса-ю, биров «ҳой, ундай қилма!» демаса...

Ана шу одати панд бериб, Учқўрғон тумани «Алишер Навоий» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳовлисида яширинча оҳак ишлаб чиқариш цехи ташкил этди-ю, шу ҳудуддан ўтган юқори босимли табиий газ тармоғига ўзбошимчалик билан уланиб олди.

«Бузоқнинг югургани – сомонхонагача» деб бежиз айтишмайди. Ўтказилган тезкор тадбирда унинг бу ноқонуний иши фош бўлиб қолди. Мазкур ҳолат юзасидан далолатнома расмийлаштирилиб, ўғринча фойдаланилган табиий газ ҳисоб-китоб қилинганда, етказилган зарар 56 млн. 160 минг сўм экани маълум бўлди.

И.Марайимовнинг иши судда муҳокама қилиниб, унга нисбатан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлатга ушлаб қолиш шарти билан уч йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланди.

Текин неъматдан фойдаланиб, бойиб кетишни орзулаган калтабин «тадбиркор» шу тариқа ҳам давлатга етказган зарарни тўлади, ҳам уч йил ортиқча харажат қиладиган бўлди.

Оқибати ўйланмай қилинган ишнинг жазоси шунақа бўлади!

Бекзод МИРЗААҲМЕДОВ,
МИБ Наманган вилояти бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

ТЎЛОВЛАР АВГУСТГАЧА УНДИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги «Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига кўра, шу йил 1 августдан Мажбурий ижро бюросининг электр энергияси ва табиий газ истеъмолини назорат қилиш, улар учун тўловларни ундириш, шунингдек, электр ва газ тармоқларига ноқонуний уланишларни аниқлаш ва бартараф этишга доир ваколатлари «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ ва «Ҳудудгазтаъминот» АЖнинг ҳудудий корхоналарига ўтказилади.

Ўтган давр мобайнида бюронинг Жиззах вилояти бошқармаси электр энергияси бўйича 1 трлн. 77 млрд. 900 млн. сўм, табиий газ бўйича 643 млрд. 300 млн. сўм тўлов ундирган. 5030 та ҳолатда энергия ресурслари ва ичимлик сувдан ноқонуний фойдаланилгани бўйича маъмурий ишлар қўзғатилиб, етказилган 5 трлн. 779 млрд. 300 млн. сўм зарарнинг 4 трлн. 45 млрд. 500 млн. сўми ундирилган.

Бошқарма томонидан 179 та жиноят иши бўйича аниқланган 1 млрд. 900 млн. сўм зарарнинг 1 млрд. 400 млн. сўми ундирилиши таъминланган. Шунингдек, 65 та ҳолатда етказилган 2 млрд. сўмлик зарар тўлиқ қопланган сабабли жиноят иши қўзғатиш рад этилган.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, 1 августга қадар бюро ходимлари ишлатилган энергия ресурслари ҳақини ундиришда давом этади.

Сардор ИСРОИЛОВ,
МИБ Жиззах вилояти бошқармаси катта инспектори

ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИДАН ТАДБИРКОРГА

Шеробод туманлараро иқтисодий судининг ижро варақасига асосан Шеробод тумани тиббиёт бирлашмасидан «Жаҳонгир давр қурилиш сервис» хусусий корхонасига 167 млн. 420 минг сўм қарзини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати Бюронинг туман бўлимига 2020 йил 27 майда келиб тушган ва ижро ҳаракатларига киришилган.

Ушбу ҳужжат юзасидан давлат ижрочиси томонидан «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунга асосан ундирувни бюджет ташкилотининг маблағига қаратиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун туман ғазначилик бўлимига ва қарздорга талабнома берилган.

Қарздорнинг мулкини аниқлаш мақсадида тегишли ташкилотларга сўровлар юборилиб, тиббиёт бирлашманинг балансида бўлган кўчмас мулкларга нисбатан нотариус ва кадастр тақиқлари ўрнатилган.

Шунингдек, сўров натижасига кўра туман тиббиёт бирлашмаси балансида «Isuzu» ҳамда «Нексия» русумли автотранспортлар борлиги аниқланиб, уларга тақиқ солинган.

Мажбурий ижро ҳаракатлари натижасида Шеробод тумани тиббиёт бирлашмасидан «Жаҳонгир давр қурилиш сервис» хусусий корхонасига 167 млн. 420 минг сўм тўлиқ ундириб берилиб, ижро ҳаракатлари тугатилди.

Салоҳиддин АҲМЕДОВ,
МИБ Шеробод тумани бўлими бошлиғининг ўринбосари

МУЛК ТАҚСИМЛАНДИ

Оила кодексининг 23-моддасига асосан эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мулки, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағи ҳисобига олинган мулки, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг умумий мулки ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2020 йил 28 майдаги ижро варақасига асосан О.Илешовдан умумий мулкнинг тақсимланишидан келиб чиққан 453 млн. 391 минг 788 сўм фарқ З.Илешовага берилиши белгиланган. Мазкур ижро ҳужжати бюронинг Яшнобод тумани бўлимига келиб тушган.

Туман бўлими томонидан олиб борилган ижро ҳаракатлари давомида О.Илешовга 15 кун ихтиёрий муддат берилиб, агар қарзини тўламаса унинг номига расмийлаштирилган кўчар ва кўчмас мулклар белгиланган тартибда хатланиб, реализация қилиниши ҳақида огоҳлантирилди. 26 июнда З.Илешовага О.Илешовдан 453 млн. 391 минг 788 сўм нақд пул ундириб берилди.

Ғайрат УСМОНОВ,
МИБ Яшнобод тумани бўлими бошлиғи

Пойтахтимизнинг баъзи кўчаларидаги пиёдалар йўллари тартибга келтирилиб, кўзи ожизлар учун махсус йўлаклар барпо этилмоқда.



КОСАНИ МАЙГА ТЎЛДИРГАН АЁЛ

Оиласидан ажрашган Лайло икки фарзандини ташлаб, Дилмурод билан унинг отасидан қолган ҳовлида норасмий равишда эр-хотин бўлиб яшай бошлади. Дилмуроднинг яқинлари унинг Лайло билан яшашига қаршилик қилишди. Бироқ Россиядан қайтганидан бери ичкиликка берилиб қолган эркак уларнинг гапига парво ҳам қилмади.

Тез орада Дилмуроднинг соғлиғи ёмонлашиб, шифохонага тушиб қолди. Лайло унга соғайгунга қадар қараб турди. Аммо унинг соғлиғи тўлиқ яхшиланиб кетмади. Оёқлари ишламай, куни қўлтиқтаёққа қолди. Шифохонадан чиққанидан сўнг Дилмурод тез-тез асабийлашиб, жанжал қиладиган бўлди. Лайло ҳам у билан бирга ичкилик ичиб турарди. Эр-хотин ичкилик учун уйдаги турли буюмларни сотишга тушишди.

Ўша куни ҳам кечки овқат вақтида эр-хотин "яримта"ни майдалашаётган эди. Икки пиёла ароқ ичганидан сўнг Дилмурод нос чекди. Лайло ташқарига чиқиб, қайтиб кирса, эри яна пиёлага ароқ қуяётган экан.

– Бўлди, ичмайсиз, – дея Лайло хонтахта устидаги ароқни олиб, яшириб қўйди.

Дилмурод аччиқланиб, хонтахта устида турган пиёлани унга отди. Сўнг ўтирган жойида судралиб келиб, юзига тарсаки туширди. Лайло қўрққанидан яшириб қўйган ароғини олиб, косага тўлдириб қуйди ва Дилмуродга узатди. Аммо эрининг ғазаби босилмади.

– Сенинг қўлинг теккан идишдан ароқ ичмайман, – дея уни сўка кетди.

Аёл жаҳл устида косадаги ароқни ўзи охиригача сипқориб юборди. Май таъсирида бир зумда ўзини шер чоғлади. Хонтахта устидаги пичоқни қўлига олганича "ўлдираман сени" дея дағдага қилаётган эрига нописанд қараб турди.

Сўнг бепарвогина буюрди:

– Жанжални бас қилинг!

Аммо Дилмуродга гап уқтиришнинг фойдаси йўқ эди. У сўкинишда давом этди.

– Сен мени ўлдиришингдан олдин мен сени ўлдираман, – тоқати тоқ бўлган Лайло шундай деб Дилмуроднинг кўксига пичоқ урди...

Сўнг пичоқни гиламнинг тагига яшириб қўйди. Ҳовлига чиқиб, зина устида анча вақт ўтирди. Салгина ҳуши ўзига келганидан кейин хонага қайтиб кириб, Дилмуродга қаради. Унинг кийимлари қон, тепага қараган ҳолатда ҳушсиз ётарди. Лайло уни бир неча марта туртқилашига қарамасдан қимир этмади. Аёл даҳшат ичида кўчага чиқиб, қўшниси Нурмат аканинг дарвозасини тақиллатди. Деразадан қараган қўшнисига ҳовлиққанича эрини ўлдириб қўйганини айтди. Аммо қўшниси чиқавермади.

Лайло уйга қайтиб кириб, синглисига қўнғироқ қилди. Аммо у ҳам жавоб бермади. Аёл яна жасад ётган хонага кирди. Аммо кайфи зўрлигидан ухлаб қолди...

Эрталаб туриб дафъатан нима бўлганини эслай олмади. Дилмуродни уйғотмоқчи бўлиб, яна туртқилаб кўрди. Танасини ушлаб кўрганида музлаб ётар эди...

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судида Лайло Ҳамроеванинг жиноят иши кўрилди. Судда у айбига иқрор бўлиб, қонуний енгиллик сўради. Суд Лайло Ҳамроевага 9 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

Шу тариқа ичкиликбозлик ботқоғига ботган оила заволга юз тутди...

Баҳодир ШЕРАЛИЕВ,
Косон тумани прокурорининг ўринбосари

JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI

ИШДАН БЎШАТМАСЛИК ЭВАЗИГА

Каримахон Ҳамидуллаеванинг қилмиши судда кўрилди. У 2018 йилнинг март ойида Қўштепа тумани ҳокимининг ўринбосари – хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимига тайинланган эди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича Фарғона вилояти идоралараро комиссиясининг 2020 йил 24 январь кунги тақдимномасини муҳокама қилиш жараёнида аёллар жиноят содир этган 12 та маҳалла фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилада маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислари эгаллаб турган лавозимидан бўшатиладиган бўлди.

– Ҳоким ўринбосари кечқурун соат саккиз яримда қўнғироқ қилиб ўн битта маҳалла фуқаролар йиғини мутахассисларини эртага соат тўққизга йиғилишга чақиришни буюрди, – дейди гувоҳ, «Оила» маркази туман бўлимининг раҳбари М.Қосимжонова. – 5 февраль куни эрталаб хизмат хонасида у йиғилганларга тақдимномани ўқиб эшиттиргач, аёллар ҳуқуқбузарлик содир этган маҳаллаларнинг мутахассисларига қатъий чора кўрилишини айтиб, улардан тушунтириш хати ва ўз ихтиёри билан ишдан бўшаш ҳақида ариза ёздириб олди. Мутахассислардан бири Насибахон ишда қолдиришда ёрдам беришини сўради, бошқалар унга қўшилишди. Каримахон «юқори» билан гаплашиб кўраман, ваъда беролмайману, ҳаракатларингни қилиб турингланг, ариза, тушунтириш хати ёзиб берганларинг ҳақида гапни кўпайтирманглар деб тайинлади. Мутахассислар кетишганидан кейин қўнғироқ қилиб чақирди. Хонасига кирганимда беш юз минг сўмдан пул йиғиб беришсин, ўзлари бу ерга келишмасин, Соҳибкор маҳалласида тўпланишсин деб тайинлади. Ушбу маҳалла маслаҳатчиси Шаҳодатхонга қўнғироқ қилиб, Каримахоннинг буйруғини етказдим.

Тушдан кейин соат уч-тўртларда М.Қосимжонова ҳоким ўринбосарининг хизмат машинасида Соҳибкор маҳалласига боради. К.Ҳамидуллаева машинадан тушмасдан жўнаб кетади. М.Қосимжонова Шаҳодатхон билан мутахассислар тўпланиб турган хонага киради. Каримахон юқоридагилар билан гаплашибди, ишда қолишни истаганлар беш юз минг сўмдан йиғиб беришларинг керак экан дейди. Мутахассислар аввалига эътироз билдиришади, сўнг ноилож ҳоким ўринбосарининг шартига кўнишади.

Эртаси куни туман ҳокимлигидаги йиғилишга МФЙнинг мутахассислари ҳам келишади. Йиғилишдан кейин Шаҳодатхон пул тўпланди, бирга кирайлик дейди. М.Қосимжонова у билан ҳоким ўринбосарининг хонасига кириб, банд эканини кўриб чиқиб кетади. Ҳоли қолганларида Шаҳодатхон пулни ҳоким ўринбосарига беради.

– Қанча? – деб сўрайди у.

– Тўрт миллион беш юз минг, – дейди Шаҳодатхон. – Мен пул қўшганим йўқ, ишламоқчи эмасман.

– Кўпдан бери ишлаяпсиз, сизнинг ўрнингизга ўзим қўшаман, – дейди Каримахон.

– Керак эмас, қарздор бўлиб қолишни истамайман, – дея Шаҳодатхон хонадан чиқиб кетади.

Орадан икки кун ўтиб туман ҳокимлигида ишлаётган Одинахондан тақдимнома қачон келганини суриштиради. Январь ойи охирида кўриб чиқилиб, ҳайфсан жазоси беришга қарор қилинганини билганидан сўнг 8 та маҳалла маслаҳатчиси билан бирга пулларини қайтариб олиб беришни сўраб ДХХнинг Марғилон шаҳар бўлимига мурожаат қилади.

Ҳоким ўринбосари ишдан бўшатмаслик эвазига маҳалла фуқаролар йиғинининг маслаҳатчиларидан йиғдириб олган порани қайтариб берди. Суд К.Ҳамидуллаевага қилмишига мувофиқ жазо тайинлади.

Нуриддин АСҚАРОВ,
Тошлоқ тумани прокурорининг ёрдамчиси



Ўзбекистонда академик лицейларга кириш учун 10 июлдан 25 июлга қадар ўтказилиши белгиланган саралаш имтиҳонлари номаълум муддатга қолдирилди.

МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!

Юртимизда қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Расулжон Турдиев қутлуғ 60 ёшни қарши олмоқда.



У прокуратура органлари тизимидаги 34 йиллик меҳнат фаолияти давомида Андижон вилояти прокуратураси идораларида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Ишлаш даврида ижобий фаолият кўрсатиб, изланувчанлиги ва адолатпарварлиги туфайли ҳамкасбларининг ҳурмат-эътиборига, ишончига сазовор бўлди.

Меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида эътибор қозонди.

Бугун сафимизга кириб келаётган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Расулжон Турдиевнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Ҳурматли Расулжон Эргашевич, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлик, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази

SPORT

АРБИТРАЖ СУДИ «МАНЧЕСТЕР СИТИ» УСТИДАН ҚАРОР ЧИҚАРДИ

Спорт арбитраж суди «Манчестер Сити» клубининг апелляциясини қаноатлантиришга қарор қилди. Шу боис «шаҳарликлар» келаси мавсумда Европа чемпионлар лигасида иштирок этади.

Эслатиб ўтамиз, «Манчестер Сити» молиявий ҳалол ўйин қоидасини бузгани учун УЕФА февраль ойида уни икки йилга еврокубоклардан четлатиш ва 30 миллион евро жаримага тортиш ҳақида қарор қабул қилган эди. Клуб мазкур қарор юзасидан шикоят қилган.

Суд клубни еврокубоклардан четлатиш ҳақидаги қарорни бекор қилиб, жарима миқдорини камайтирди. Клуб энди 10 миллион евро жарима билан кутулади.

КЛОПП «ЛИВЕРПУЛЬ»ДАН КЕТАДИ...

«Ливерпуль» бош мураббийи Юрген Клопп жамоани қачон тарк этмоқчи эканини маълум қилди.



«Фаолиятимни якунлаганимдан кейин Германияга қайтсам керак. Эҳтимол «Майнц»да мураббийликни давом эттирарман. Чунки дастлаб шу жамоада иш бошлаганман. «Ливерпуль»да яна тўрт йил қолмоқчиман. Шундан кейин бир йил дам оламан. Балки ўзим анчадан бери орзу қилиб юрган иш билан шуғулланарман. Кейин эса бирорта клубни, терма жамоани бошқаришим мумкин. Беш йил давомида футбол олами бутунлай ўзгариб кетиши ҳам эҳтимолдан холи эмас», – деди Клопп.

Эслатиб ўтамиз, 53 ёшли мутахассис 2015 йилдан буён «Ливерпуль»ни бошқариб келмоқда. Унинг мерсисайдликлар билан шартномаси 2024 йилга қадар тузилган.



ДЕМБЕЛЕ «МЮ»ГА ЎТАДИМИ?..

«Манчестер Юнайтед» Дортмунднинг «Боруссия» клуби билан яримҳимоячиси Жейдон Санчонинг трансфери борасида келишувга эриша олмаса, эътиборини «Барселона» ҳужумчиси Усмон Дембелега қаратади.

Аммо 23 ёшли Дембеле жамоани тарк этмоқчи эмас. У «Барселона» сафида муваффақиятга эришишига ишонмоқда. Шунинг учун франциялик футболчининг «Олд Траффорд»га кўчиб ўтиши ҳозирча имконсиз.

ЖУДА ҚИММАТ ИСТЕЪФО

Италиянинг «Интер» жамоаси бош мураббий Антонио Контени истеъфога чиқарадиган бўлса, клуб қанча товон тўлаши маълум бўлди.

Италиянинг «Corriere dello Sport» газетаси тарқатган ха-



барга кўра, мутахассис ва унинг мураббийлар штаби билан муддатидан аввал шартноманинг бекор қилиниши клубга 150 миллион еврога тушади.

Ҳозир Конте Италия чемпионатида энг кўп маош оладиган мураббий ҳисобланади. Унинг йиллик маоши 12 миллион еврога тенг. Мураббийнинг миланликлар билан шартномаси 2022 йилнинг ёзига қадар тузилган.

Айни пайтда «Интер» А серия жадвалида 4-ўринни эгаллаб турибди. Жамоа пешқадам «Ювентус»дан 11 очко ортда қолмоқда. Конте ўтган йилнинг май ойида «Интер» билан шартнома имзолаган эди.

ЕВРОПАДА ЭНГ КЎП ПЕНАЛЬТИ ТЕПАЁТГАН ФУТБОЛЧИ

«Ювентус» ҳужумчиси Криштиану Роналду Италия чемпионатининг 32-турида «Аталанта»га қарши ўйинда (2:2) иккита 11 метрлик жарима зарбасидан унумли фойдаланди.

Шу тариқа Роналдунинг бу мавсумда А серияда пенальтидан 11 та гол урди. Бу эса Европанинг кучли бешлик чемпионатларидаги энг яхши натижа ҳисобланади.

Криштианунинг ушбу мавсумдаги голлари 28 тага етди. У А серия тўпурарлари пойгасида «Лацио» ҳужумчиси Чиро Иммобиле(29 гол)дан кейинги ўринни эгаллаб турибди.

ШИКОЯТ РАД ЭТИЛДИ

Парагвай суди 2002 йилги жаҳон чемпиони – Роналдиньонинг шикоятини рад қилди. Шу боис собиқ футболчи уй қамоғида қолишда давом этади.

Эслатиб ўтамиз, 7 март куни Роналдиньо ва унинг акаси Роберто де Ассиш сохта ҳужжатлар билан Парагвайга киргани учун ҳибсга олинган эди. Дастлаб улар қамоқхонага ташланган бўлса, апрель ойида 1,6 миллион доллар гаров пули эвазига Асунсьондаги меҳмонхонага чиқарилишди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Қашқадарё вилояти прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси **Балли ИМОМОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Тошкент вилояти прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси **Баҳодир БАЙЗАКОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда Бюронинг Фарғона вилояти бошқармаси жамоалари вилоят бошқармаси бошлиғи Абдуғафор Абдуллаевга падари бузруквори **Абдулла ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади

«Ўзгидромет»нинг хабар беришича, ушбу ҳафтанинг охиригача Ўзбекистонда чилла даврида кузатиладиган жуда иссиқ об-ҳаво ҳукмронлик қилади.

HUQUQ
YURIDIK GAZETA

MUASSIS:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:
Jahongir MAKSUMOV

TAHRIR HAY'ATI:
Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV

TAHRIRIYAT MANZILI:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85

www.huquq.uz
info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallari ko`chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart.
[t] – tijorat materiali.

Buyurtma v-4240.
16 355 nusxada bosildi.
Qog'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: K.ASQAROV
Sahifalovchi: S.BABAJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617
9 772010 761004

ЙЎЛЛАР ЭЪТИБОРДАН ТАШҚАРИДАМИ?

Бугун ободлик масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этади. Бир тарафда коронавирус пандемияси, бир тарафда ёз чилласи уйларимизни, кўчамизни, маҳалламизни ҳар қачонгидан-да озода, саранжом тутишни тақозо қилади. Зеро, покизалик бўлмаган жойда хасталиклар авж олади.









Шу ўринда таъкидлаш жоизки, текис, атрофига гуллар, дарахтлар экилган йўллардан ўтар экансиз, қалбингиз ёришади, Аксинча, ўнқир-чўнқир, атрофини ўт босган йўлдан кетаётган кишининг кўнгли ҳам чўкиб қолгандек бўлади. Устига-устак нотекис йўлдаги чуқурлар машинангизга зиён етказса, аламингиз ортади. Пиёда кетаётган киши ҳам сал хаёлга берилса, чуқурга тушиб, саломатлигига зарар етказиши ҳеч гап эмас.

Урганч туманидаги кўчаларда нохуш манзараларга кўп дуч келдик.

Шерматлар маҳалласидаги йўл бўйлари янтоқзор, каналдаги кўприкда ҳимоя тўсиқлари йўқ, бунинг устига тадбиркорлар йўлга ўз рекламаларини ўрнатиб олишган.

Туман марказининг Мустақиллик кўчасидаги антиқа йўл белгиси пиёдалар йўлакчасида «савлат тўкиб турибди».

Туман ҳудудидаги Қирғизёп каналидан сув эмас, ахлат оқиб ўтадими деб ўйлаб қоласан киши. Каналда чўмилиб юрган болаларга раҳминг келади. Уларнинг турли инфекцияларни юқтириб олмаслигига кафолат борми?

Тумандаги Чандирқиёт қишлоғидан ўтган йўллар қазилганига бир йилдан ошган. Аммо ҳеч қандай таъмирлаш ёки қувур ётқизиш ишлари бажарилмасдан, ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу эса машиналар ҳаракатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ота-оналар болалари адашиб шу атрофлардан ўтиб қолмасин-да деган ҳадикда. Маҳалладан ўтадиган захкаш аҳволидан аҳоли норози. Улар бу хусусда мутасаддиларга қайта-қайта мурожаат қилавериб чарчашганини айтишди.

Умуман, туманда кўп йўллар таъмирга, йўл бўйлари ободонлаштиришга муҳтож. Умид қиламизки, сектор раҳбарлари уларга бир муборак назарларини ташлаб, муаммоларни бартараф қилиш чораларини кўрадилар. Бу билан эса нафақат аҳолига қулайликлар яратилган, балки пандемия шароитида саломатлигини мустаҳкамлашга ҳам ҳисса қўшилган бўлади.

Суратлардаги дилни хира қилгувчи тасвирлар мутасаддиларни ҳам эътиборсиз қодирмайди деган ниятдамиз.

Ойбек ЖУМАНИЁЗОВ,
«Huquq»

КЎРИНМАС БАЛО ЎЗГАРДИ, БИЗЧИ...



Юртимизда карантин чекловлари янада кучайтирилди. Тўғриси, ҳатто энг одамови ва ёлғизланишни ёқтирадиганлар ҳам бундай чекловлардан зада бўлгани рост. Бироқ вазиятнинг шундай мураккаблашувига ўзимиз сабабчи бўлмадикми!?

Хатарли касаллик мамлакатимизга кириб келган дастлабки кунларда халқимизни бу балодан омон сақлаш учун зарур барча чоралар кўрилди. Беморликда шубҳаланганлар қатъий карантинга олинди. Коронавирусга чалинганлар, ҳатто касаллик аломатларсиз кечаётганлар зудлик билан шифохоналарга ётқизилди. Кўмак сўраган, эҳтиёжманд оила борки, барига озиқ-овқат маҳсулотлардан иборат моддий ёрдам кўрсатилди.

Кунлар исигач, касаллик ортга чекинишига умид билдирган эдик. Лекин, мутацияга учраган COVID-19 ўз хоссасини ўзгартириб, яна мослашувчан, яшовчан, ўта хавфли, тез юқадиган бўлиб қолгани аён бўлмоқда.

Кўзга кўринмас бало ўзгардию лекин биз одамлар ўзгармадик. Карантин чекловлари май ойида секин-аста юмшатилиши билан кўча-кўйда гурра-гурра бемақсад тентираб юрганларни учратиш одат тусига кирди. Онахону келинларнинг тугун кўтариб тўй-тадбирларга, туғруруқ йўқловларга бориши, эркакларнинг гап-гаштаги авж олди.

Дўконларда маҳсулотнинг ишлаб чиқариш санаси билан танишиб улгурмай, ёнгинангизда яна тўрт харидор тўпланади. Эҳтимолки, минг марта масофа сақланиши ҳақида огоҳлантирилсада, кассага ҳисоб-китоб қилиш учун барча гужғон бўлиб олган. Талаб этилаётган икки метрлик ижтимоий масофа бу ерда йигирма сантиметр ҳам келмайди!

Тахминан уч-тўрт кунларча аввал электр энергияси пулини тўлаш учун банкка киргандим. Одамларнинг ўзини гўёки ҳеч нима бўлмаганидек тутиши ажаблантирди. Кимдир иши беш кундан буён битмаётганини пеш қилиб, ўзини банк ходими ўтирган дарчага уради. Бошқаси навбатнинг охирини кўра-била туриб, тиқилинч жойга, «очеред бошига» атайин суқилади. Навбат кутишни ҳеч ким истамайди. Барча биринчи!

Яшириб нима қилдик, бу каби ўзибўларчиликларга, бепарволик, бамайлихотирликка бозорда ҳам, супермаркетларда, турли ижтимоий объектларда гувоҳ бўлдик. Ёшлар тун қадар кўп қаватли уйлар атрофида тўпланиб, «дом»ни бошга кўтариб, «ҳиринг-ҳиринг» қилганида, тартибга чақирадиган, танбеҳ берадиган одамнинг ўзи топилмайди. Ниқоб тақмаган кўп, уни даҳанига туширib олган, нотўғри тақкан ундан ҳам бисёрлигига баримиз кўз юмдик. Ваҳоланки, бундай ҳолатлар юз берганида хорижий давлатларда тегишли қатъий чоралар кўрилаётганини чет эл сайтлари, ойнаижаҳон орқали кўриб, билиб турибмиз.

Масалан, 97 миллион аҳолиси бўлган Вьетнамда карантин қоидаларига сўзсиз амал қилиниши натижасида атиги 300 нафар COVID-19 билан оғриган бемор аниқланди. Одамларнинг ҳаётдан кўз юмишига йўл қўйилмади.

АҚШда мажбурий ўз-ўзини яккалаш тартибига риоя этмай, вирус юқтирган шахсларни 100 минг долларлик жарима солиш ёки қамоқ жазосига ҳукм этиш белгиланди. Малайзияда вирус хавфи тобора ортаётганини сезган одамларнинг ўзи интернет орқали карантин муддатини узайтиришни талаб этиб имзо тўпламоқда.

Франция, Полша, Чехия, Норвегия, Австралия, Аргентина, Малта каби давлатларда карантин қоидаларини бузганлик учун анчагина салмоқли миқдордаги жарима белгиланган. Исроилда карантин қоидасини бузиш 3 йилдан 7 йилга қамоқ билан жазоланади. Хитойда карантин пайтида ўзининг касаллигини била туриб, кўчада юрган одамга жиноий жавобгарлик белгиланган.

Карантин кучайтирилиши юртимизда мажбурий чора сифатида қўлланилди. Негаки, бепарволик сабаб кунига 300-400 нафардан ортиқ хавфли вирусга чалинган бемор аниқланяпти. Касалланганларнинг ҳаётдан кўз юмиш ҳолати кўпайди. Аҳвол шу тарзда кетса, минг ўринли шифохона уч-тўрт куннинг ўзида тўлиб кетиши, тиббиёт ходимлари ҳеч нарсага улгурмаслиги, наинки бутун бошли соғлиқни сақлаш тизими, иқтисодиёт ҳам танг аҳволда қолиши, издан чиқиб кетиши ҳеч гап эмаслигини вокеалар жараёнидан осонгина англаш мумкин. Айтиш, тасаввур этиш, кўз олдимизга келтириш қанча оғир, кўркинчли бўлсада, бироқ бу бор ҳақиқат.

Шундай экан, бепарво бўлишга, бемақсад кўча-кўйда тентирашга, ўзимиз, яқинларимиз, юртдошларимизнинг соғлиғини, инсонга атиги бир марта ато этилган умрини хатарга қўйишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ!

ЎзА

Коронавирус инфекциясини юқтириб олиб, кейинчалик тузалган одамларнинг қон зардобини беморларга қуйиш амалиёти самара бермагани боис тўхтатилди.